







# Замонамиз қахрамонлари


## Дарёлар саҳрода тўхтаб қолмайди



воб, албатта. Хар бир миллат, хар бир элатнинг, хар бир шахснинг эътиқодини ҳурмат қилиш аслида катта бағрикенглик саналади. Комбинат меҳнатқашларининг мурожаатлари билан ишлаш бюроси бошлиғи Назира Аҳмедова билан суҳбатимиздан сўнг бунга яна бир бор амин бўлдик.

— Утган йили меҳнат

Зарафшон шаҳридаги «Шодлик» ва Навоий шаҳридаги «Меҳрибонлик» болалар уйларига совға қилинган «Дамас» автомашиналари, Болатовлар болалар уйига дала ҳовлилари учун тўловларнинг амалга оширилганлиги, «Меҳрибонлик» уйлари ва кам таъминланган оилалар болалари учун оромгоҳларга бир мавсумда 1516 та йўланмалар ажратилганлиги, умумхалқ ҳаша-



аҳоли манфаатларини таъминлашдек эзгу мақсадга йўналтираётганлигини кўрсатиб турибди.

Муқаддас китобимизда «Яхшиликнинг муқофоти фақат яхшиликдир», дейилган. Бу ҳақиқатни бутун ҳаёти, утган умри давомида ҳис этган, исботлаган бу инсон беминнат яхшилик қилиши фазилат эканлигини ҳам билади. Чунки баъзан қилган яхшилик, кўрсатилган ёрдам ўз мевасини бергунча яна ёрдамга зарурат туғилса, бу одам унга ҳам тайёр. Берган ёрдамини миннат қилиб, энди оёққа турган одамнинг кўнглини ҳеч

ган шундай инсон ўқсик кўнглиларнинг умиди гарови эмасми?

Бундай беминнат меҳр ҳақида юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Николай Иванович нафақат замонамиз қахрамони. У Ватанимизнинг энг юксак муқофотига сазовор бўлган инсон — «Ўзбекистон Қаҳрамони». Давлатимизнинг қатор орден-медаллари соҳиби. Техника фанлари доктори. Халқаро фан, таълим, индустрия, санъат академиясининг ҳақиқий аъзоси, Халқаро информатизацияни академиясининг академиги, Россия қончилик фанлари академиясининг академиги, Россия табиий фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенатори.

Қахрамонимиз кўнглидаги дарёлардан нафақат Қизилқум саҳралари сув ичади, гулларга тўлади маданили тоғлар гўмбурлаб тилга кирди, унинг меҳридан, мурувватидан ҳаёт боғи яшайди, меҳр-мурувватга ташна диллар, яхшиликка мушук одамлар ундан куч-қудрат олади.

Узининг 70 йиллик қўлтуғ ёшини қаршилаган Н.Кучерскийга Президентимиз Исрол Каримов табрик йўлади. Унда бор билиминини саховати таъминини бойликларини юртимиз тараққиёти, элимиз фаровонлигини ошириш йўлида сарфлаётган замондошимизга энг яхши тилаклар билдирилган.

Бу улкан ишонч, чинакам инсоний бахт эмасми? Орамизда шундай, дунё таниган, тан олган, жуда буюк ва айни пайтда жуда камтарин инсонлар борлиги, улар билан ёнма-ён яшаётганлигимиз, қай биримиздир уларнинг меҳр-мурувватидан баҳраманд бўлаётганлигимиз ҳар биримиз ва ҳаммамизнинг бахтимиз, албатта.

Маруся ҲОСИЛОВА, «Инсон ва қонун» муҳбири



(Давоми. Боши биринчи бетда)


Хақиқатан ҳам, бу инсон учун яхшиликнинг чеки-чегараси, меҳр-мурувватнинг ўлчови, хайр-саховатнинг баҳоси йўқ. Унинг юрагини олис кишлоқдаги иқтидорли мактаб ўқувчисининг хайратлари забт эта олади. Унга чексиз далаларда меҳнат қилаётган деҳқон ташвиши, гамдан қадди буқилган оталар армони, хаста боласига термулган оналар изтироби, хуллас, кўзида ёш, дилида умид билан йўлида учраган инсон зоти борки, барчасининг дунёси билан яшайди, ўзгаларнинг дәрди унга бегона эмас.

Нуроталик ёш ўқувчи муаввир Фурқат Бозоровнинг Қоҳирада ўтказилган «Миср — болалар нигоҳида» кўрик танловига ўзи чизган сурати билан олтин медалга сазовор бўлганлигини эшитиб, унга табрик хати ва шахсий совғасини йўллашга уни ана шу меҳрибонлик чорлагани аниқ. Еки шу иқтидор эгасини Москвада ўтказилган кўргазмада иштирок этишида моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳам Юртбошимизнинг ёшларга кўрсатаётган чексиз ғам-хўрликларига ҳамоҳанг жа-

таътилида ҳаж сафарига бо-ришимни билдириб қўйиш учун, — дейди Назира опа. — Бош директор ҳузурига кирдим. Фикримни эшитгач, бор-йўғи битта сўз айтдилар. У кишининг «Бу катта машаққат-ку», деган ана шу сўзлари замирида эътиқодимга ҳурматини, бу муҳо-рақ сафарининг нечоғли муқаддаслигини, бу қароримни қўллаб-қувватлаганлигини ҳис этдим. Энди билсам, бу эътиқоддан ҳам кучлироқ тўйғу экан. Динимизга, миллатимизга чўқур ҳурмат ифодаси бор эди, бу сўзларда.

Ҳа, Николай Иванович барчага меҳр кўргиза оладиган, не-не ночор кишилар суяна оладиган, энг муҳими, одамларни энг оғир дамба ҳам ёруғ кунлар келишига ишонтира оладиган бағри кенг инсон. Юртбошимиз айнан ана шундай саховатли инсонларнинг марҳаматига ишониб, йилимизни «Ижтимоий химоя йили», деб эълон қилдилар. Бугун ярим йиллик ишлар сарҳисоб қилинаётган ушбу фурсатда биргина корхонадаги хайрли ишлар мундарижасини кўриб, бу йил ҳақиқатан ҳам кўллларнинг ҳаётида ўнмас из қолдиришига амин бўласиз.

ридан четда қолмай, вилоят «Маҳалла» жамағатига 59,5 миллион сўм ажратилганлиги, Кармандаги 25-сон махсус мактаб-интернат ўқувчилари учун 13 миллион сўмлик жиҳозлар, вилоятнинг кишлоқ туманларида яшовчи кам таъминланган 18 та оиллага йирик шохли қора мол тарқатилганлиги, корхона тасарруфидоғи 3 та коллежда таҳсил олаётган барча ўқувчилар стипендия ва бепул иссиқ овқат билан таъминланаётганлиги, ишлаб-чиқаришда касалликларга чалинганларга санаторийларга йўланмалар берилганлиги, корхона ишчи ва пенсионерлари ҳамда уларнинг фарзандлари саломатлигини тиклаш учун кўрсатилган беминнат ёрдамлар, хуллас, «Ижтимоий химоя йили» Давлат дастурининг бажарилиши учун корхона ҳисобидан бугунгача 12 миллиард сўм сарфланганлиги — Юртбошимиз ушбу йилга ном бераётган да уруғ берган ҳар бир жиҳат, ҳар бир муаммонини ечимини топишга имкон излаган раҳбарнинг бор куч-ғайратини, қўбилиятини, барча саъй-ҳаракатларини




қачон синдирмайди. Ногирон туғилган болани йиллар давомида тақрор-тақрор гоҳ Тошкентда, гоҳ Москвада доволаш, уни тўлақонли инсонлар сафига қўйиш учун, ҳатто юришга умиди йўқ болани оғир тушқунликдан қутқариб, олий маълумотли, яхши мутахассис бўлиб етиштириши таъминлаш учун нафақат катта маблағ, қанча машаққатли йиллар, балки катта сабр-тоқат, ишонч ва ирода кераклигини амалда исботлай ол-

Бугунги кунда болалар манфаатлари ва фаровонлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қилиб қўйилганлиги белгиланган: илгор халқро таъриба ва ҳуқуқ тизимини ҳисобга олган ҳолда болалик манфаатини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосини тақомиллаштириш ва ривожлантириш; болаларнинг моддий фаровонлигини мустаҳкамлаш, болалар ва ўсмирлар орасида зарур иқтисодий шароит яратиш; аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш тизимини тақомиллаштириш; болаларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами — ногиронлар, етимлар, кам таъминланган оилалар фарзандларининг давлат томонидан ҳимояланишини таъминлаш.

### Ezgulik eshigi

## Бегубор болалик муҳофазаси



Болалар ва ўсмирларнинг манфаатларини таъминлаш стратегиясини амалга оширишда республиканинг ҳудудий ва маҳаллий даражадаги қонунчилик ва ижро, ҳокимият ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар), ноҳукумат ва жамоат ташкилотлари иштирок этади. Сўнгги йилларда республикада болаларнинг соғлом униб-ўсиши, таълим-тарбия олишида сезиларли ишлар амалга оширилди, болалар манфаатларининг қўлғина масалалари бўйича халқаро ташкилотлар, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, БМТ Тараққиёт дастури ва бошқа институтлар билан ақин ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Республикамизда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича катта салоҳият мавжуд. Жойларда муайян муаммоларнинг борлиги ва жамоатчиликнинг уларни ҳал қилишида фаол қатнашишга интилиши ҳудудларда болалар фаровонлигининг алоҳида масалалари билан шуғулланувчи юздан ортиқ иختисослашган ва мақсадли жамоат тузилмаларини ташкил этишга олиб келди.

Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқларини тартибга солувчи қонунчилик тизими — Конституция, Оила кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий Жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Фуқаролик, Жиноят, Меҳнат кодекслари, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида», «Таълим тўғрисида», «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлари ҳамда бир қатор бошқа қонунчилик ҳужжатларида ўз аксини топан.

Оила кодексига мувофиқ, болани тарбиялаш ва уғайратиш мажбурияти ота-онани юклатилган. Айнан ота-она ўз фарзандларининг соғлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий ривожланиши ҳамда болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақида уйлаши шарт. Шу билан бирга, мамлакат қонунчилигида кўра, ота-она ҳуқуқлари бола манфаатларига эид равишда амалга оширилиши мумкин эмас.

Қонунчиликка мувофиқ, оилада болага менсимасдан берахлилик ва қўлполи билан

муомала қилиш ҳамда уни ҳақорат ва эксплуатация қилиш тақиқланади.

Ўзбекистонда ота-она қарамоғидан маҳрум болалар ҳуқуқларини қонуний таъминлашнинг самарали тизими яратилган. Ота-онани бўлма-са ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар қандай ҳолатда боланинг оилада тарбияланиш ҳуқуқи васийлик ва ҳомилик органи томонидан таъминланади.

Фан-техника тараққиёти ривожланиб бораётган шароитда давлат ҳар қайси оила фарзандларига замонавий ўрта таълим олиши, ўқини тамомлагандан сўнгги билан таъминланиши ва тегишли даромад олиши учун шароит яратиш тўғрисида ғамхўрликни ўз зиммасига олади.

Мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига, униб-ўсишига эътибор ҳар қанчадан-да юқори. Зеро, мамлакатнинг эртаси бугун ўсиб келаятган авлод қўлида. Бугун ҳеч нарсага зорикмай, илми бақувват, тафаккури теран авлод эртани нурли келажагимизнинг иждоқорлари бўлишлари шубҳасиз.

Дилмурод УМАРОВ, Адлия вазирлиги ходими

### Tekshiruv

Бугун ҳалол меҳнат қилиб мол-мулк эгаси бўлаётган юртдошларимиз сони кундан кунга кўпаймоқда. Бирок, гўрч курмаксиз бўлмаганидек, улар орасида қинғир йўллар билан пул топишни ният қилган «тадбиркорлар» ҳам учраб турибди.

## Нафс кўйидаги «тадбиркорлар»


### «тадбиркорлар» ёхуд «захри қотил» тарқатувчилар

Мамлакатимизга турли истеъмол маҳсулотларининг ноқонуний йўллар билан кириб келиши ва истеъмол бозорига киритилиши иқтисодийимиз ривожига салбий таъсир қилиб, маҳаллий ишлаб-чиқаришга пугур етказди. Департамент ходимлари ҳуқуқни муҳофиза қилиш органлари билан ҳамкорликда бу турдаги ноқонуний ҳолатларга қарши кескин кураш олиб бормоқда.

Биргина Олтинқўл туманида олиб борилаётган ишларни сарҳисоб қилиб кўрайлик. Олтинқўл тумани, Олтинқўл қишлоғида яшовчи Олимжон Раҳимов нафс кўтқусига учди. У ўзининг «Фаровон» хусусий савдо дўконида белгиланган тартибда тегишли давлат идораларидан спиртли маҳсулотлар билан савдо қилиш учун рухсатнома олманган ҳолда савдо-сотик ишларини амалга ошираётган экан. Ходимларимиз томонидан дўконда текширув ўтказилганда сотиш учун мўлжалланган жами 150 миң сўмлик 7 номдаги 91 шиша спиртли маҳсулотлар борлиги маълум бўлди. Суд ҳукмида кўра О.Раҳимов тегишли жазосини олди.

«Достон-Дир» савдо дўконининг эгаси Р.Раҳимов юқоридаги қахрамонларимиздан фарқли ўлароқ, дўконда спиртли ичимликлар сотиш учун олинган рухсатноманинг мuddати 2006 йил 31 декабрда тулаган бўлишига қарамай, савдо қондаларини бузиб, спиртли ичимликлар сотишни давом эттирган. Текширилган давомида савдо дўконидан 64900 сўмлик 13 хилдаги 137 шиша спиртли маҳсулотлар борлиги аниқланди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Ҳўш, қўлбола ароқ ва



спиртли маҳсулотлар ички истеъмол бозорига қандай йўллар билан келтирилмоқда? Албатта, яширин цехлардан. Шуниси аниқки, яширин цехлар ташкил қилиб, истаган маҳсулотни қўлбола усулда ясаб, бозорга олиб чиқаётган «тадбиркорлар» гигиена қидаларига мўлжал рия қилишмайди. Оқибатда...

Ходимларимиз яширин цехларни аниқлаш, уларнинг фаолиятга барҳам бериш борасида мўлзам равишда тежор тадбирларни амалга оширмақда. Вилоятимиз ҳудудида 7 та яширин цехлар фаолияти фoш этилиб, ноқонуний ишлаб-чиқарилган 1 миллион 344 миң сўмлик маҳсулот ва қомашлар олиб қўйилди. Айбдорларга нисбатан тегишли жавобгарлик чоралари қўрилди.

Йўллар билан бойлик орттириш иилинжида юрган бундай «тадбиркорлар»нинг кирдиқорларини натижасида сифатсиз маҳсулотларни истеъмол қилган кишилар азият чекишмоқда. Аҳоли саломатлигига жиддий пугур етказилмоқда.

Хулоса ўрнида шунни айтиш жоғизки, шахсий манфаатини ол наморафидан устун қўйиб, мўмай дармафод орттиришни мақсад қилганлар қинғир ишнинг оқибати «вой» бўлишини умумлашқилари керак. Акс ҳолда кун келиб, албатта, қонун олдига жа-воб беришлари мумкин.

Равайнбек ЖАБОРОВ, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛК Департаментининг Андижон вилоят бошқармаси бошлиғи

## Xatlarda hayot aksi

# Ўғлим уйдан ҳайдади...

...1982 йилда мутахассис сифатида Навоий вилоятига ишга қақилдим. Тақдир экан, 1994 йилгача Навоий вилоятида ишладим.

Бу вақтда оилам Фарғона вилояти Кува туманида яшаб турдим. Оилам билан алоқани узганим йўқ. Аввалига умр йўлдошим (ҳозирда марҳум) Муҳаббат Усмонова ҳам мен ишлаётган корхонада оддий ишчи бўлиб ишлади. Кейин эса турли-туман баҳоналар билан Кувага қайтди. Кейинчалик билсам, у мен билан қонуний никоҳда турган ҳолда бошқа бир эр-қалка (исми Номоз) тегиб олибди...

Шу тариха кўчада қолдим. Хар хил жойларда ётиб юрдим. Кейинчалик билсам, хотиним мени оғзаки ўлдирга чикариб, қалбаки ҳужжатлар йиғиб, менинг номимда бўлган уйни ўз номига ўтказиб олибди. Уйни номимга ўтказиб, болаларга васиятнома қолдирибди. Ҳозирда қамоқ мuddатини очикликда, иш ҳақида 20 фoш миқдориди жарима тулаш билан ўтамоқда.

Мен 2004 йил 19 ноябрь кунини ўз уйимга эғалик ҳуқуқини тиклаш мақсадида Фарғона туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси би-

лан мурожаат қилдим. Судья Х.С.Мамазаров ўз уйимни 1/2қисмига эғалик қилиш тўғрисида қарор чиқарди. Лекин ўғлим мени уйга қиритишни истамади. Мен суд қаро-



ри ижросини таъминлаш мақсадида олиб-юғриб юрган бир пайтда ўғлим Шавкат Абдуллонов ўзим кўриган ва ҳозирда ўзи яшаб турган уйнинг ярмидан қўлини ташкил қилиб турган пишк фишдан қўрилган, тепаси шифер билан ёпилган, 2 хoнали олдиди айвон уйни бузиб, сотиб юборди. Шу воқеалардан сўнг маҳалла фуқаролар йиғини раисига мурожаат қилдим ва у менга ҳақиқатан ҳам ўғлим уйни бузиб, сотиб юборганлиги тўғрисида маълумотнома ёзиб берди...

Менинг кейинги шикоят аризаларим эса ҳамон бесамар қолмоқда. Ҳозирда мўким турар жойим йўқ. Сизлардан илтимос, муаммоларим қонуний ечим топишига ёрдам берсангиз.

Жўра АБДУЛЛОНОВ, Фарғона вилояти, Кува шаҳри, С. Айний номидаги кўча, 5-уй

### ТАДБИРКОР ЭДИК, АБГОР БЎЛДИК...

Биз, Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида фаолият юритувчи «Insof Toshkent Ta'minot Savdo» хусусий корхонаси 2007 йил 17 апрель кунини Тошкент шаҳар Яққасарой тумани суд ижрочилири бўлими бюртмасига асосан Ўзбекистон Банклар Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧК томонидан ташкилланган ким ошди савдосида иштирок этдик. Ким ошди савдосида Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2003 йил 7 июндаги 10-0319/14746-сон суд буйруғига асосан «Тошмуҳандисиншоотқурилиш» ОАЖнинг суднинг Тошкент шаҳар Яққасарой тумани Давлат солиқ инспекцияси олдиди қарздорлигини ўндириш мақсадида, қарздор тақлифига кўра, унга тегишли бўлган Яққасарой тумани Юсуф хос Ҳожиб кўчаси 75-«а» уй манзилдаги 2 қаватли маъмурий бино қўйилган эди. Биз ким ошди савдосида қатнашган талабгорлар орасида голиб чиқиб, ушбу бинони 227050000 сўм кредит маблағ ҳисобига сотиб олдик. Утказилган ким ошди савдоси натижаларига кўра, 2007 йил 17 апрелда тарафлар ўртасида 038-сонли баённома имзоланди. Аммо...

Хаммаси ана шу «аммо»дан кейин бошланди. Кўпчилигимиз Тошкент шаҳар хўжалик суди ким ошди савдоси натижаси тўғрисидаги 2007 йил 17 апрелда тузилган 038-сонли баённомани бекор қилди...

Бизнинг қўлимизда ким ошди савдоси қонун талаби асосида ўтказилганини исботловчи далиллар етарли. Лекин суд ҳарайида бизнинг эътирозларимиз инобатга олинмади.

Мазкур ҳал қилув қарорига кўра, «Insof Toshkent Ta'minot Savdo» хусусий корхонаси 227050000 сўм моддий зарар кўрмоқда. Чунки ким ошди савдосидан тушган маблағлар қарздор



«Тошмуҳандисиншоотқурилиш» ОАЖнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамағатлар олдидида ҳамда жамият ишчи ва хизматчилари иш ҳақи бўйича қарздорлиқни ёпиш мақсадида ишлатиб юборилган. Демак, «Тошмуҳандисиншоотқурилиш» ОАЖ харидорига ким ошди савдосидан тушган маблағни қайтариш имкониятига эга эмас.

Ҳўш, шундай экан, биз нима қилишимиз керак? Бизнинг айбимиз нима? Ушбу ким ошди савдосида қатнашиб, бинони харид қилиш учун тижорат банкидан олинган 227050000 сўм кредит, унинг устама фoизлари ва жарималарини қайси маблағимиз ҳисобидан тўлаймиз?...

Қолаверса, судьянинг эътиборсизлиги, иш кўришининг бевоситалигини таъминламасдан, ишга бир томонлама ёндашуви биз каби тадбиркорларнинг эркин тадбиркорлик фаолияти юритишига гов бўлмайдики? Қимлардир томонидан йўл қўйилган қай бир хато учун биздек тадбиркорларнинг абгор бўлиб қолиши кимга керак?...

Хуллас, берадиган саволларимиз қўй... Шунинг учун ҳам сизлардан ушбу масалага аниқлик киритиб, бизга ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни ҳимоя қилишида қонуний ёрдам беришингизга ишониб, умид билан мактуб йўллагимиз.

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани 2-маъзо, 8-уйда жойлашган «Insof Toshkent Ta'minot Savdo» хусусий корхонаси жамоаси номидан корхона директори ўринбосари Абдумалик АЗИМОВ

Рукн учун масъул: Исрол ҲАМРО

# Конституция — юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори

**Биз мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларни энг олий ва устувор қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган давр мобайнида қонунчилик соҳасида ва амалий сиёсатимизда қандай натижа ва ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда муҳрлаб қўйилган талаб ва тамойиллар билан узвий боғлиқдир.**

Ислом КАРИМОВ

## Халқ тафаккури ва ижоди маҳсули

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, 1992 йил 8 декабрда янги суверен давлат мақоми конституциявий жиҳатдан мустақамлашга эришди. Юртимиз ўзининг ривожланиши, тараққиёти этиш йўлини конституциявий асосда белгилаб олди. Бемалол айтиш мумкинки, Бош Қонунимиз дунё сиёсий ҳаритасида янги демократик давлат — Ўзбекистон Республикасининг «таширф қозғони»га айланди. Шунингдек ифтихор билан таъкидлаш жоизки, Конституциясининг дунё ҳамжамияти томонидан жаҳондаси энг инсонпарвар Конституциялардан бири сифатида эътироф этилди.

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг обрў-эътибори, халқаро ҳамжамиятдаги маъқеи унинг Конституцияси ҳисобланади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, Конституция давлатнинг давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомусномадир. Шу маънода Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради.

Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-маънунини ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш мақсадида 2001 йил 4 январда эълон қилинган Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганишнинг ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони «чиначам тарбиявий аҳамиятга эга.

Мазкур Фармойишга барча таълим турлари учун асосан «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» мақсус ўқув курслари ишлаб чиқилди. Шунингдек, мактабгача ёшдаги болалар ва ўқувчиларнинг ҳусусиятларини ҳисобга олиб уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантиришга қаратилган Конституцияни ўрганиш

га оид дарслиқлар ва мақсус адабиётлар тайёрланди ва нашр этилди.

— Бугунги кунда вилоят халқ таълими бошқармаси тизимида 474 та мактабгача таълим муассасалари, 538 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, Президентимиз Фармойиши асосида «Конституция алифбоси», «Конституция олағи саҳҳат», «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқ асослари», «Конституция ўқитилмоқда», — дейди Бухоро вилоят халқ таълими бошқармаси бошқаруви раҳбари Халима Нуруллаева. — Бухоро

шаҳридаги 24, Когон шаҳридаги 6, Жондордаги 22, Ёғдундордаги 8, Пешку туманидаги 4, Бухоро туманидаги 16-сонли мактабларда «Конституция сабақлари» дастури ва услубий қўлланмаси асосида Конституцияни ўрганишга оид фанлар ўқитилиши бўйича муайян тажриба тўпланган. Мазкур мактабларда барча синф хоналари Конституцияни ўрганиш учун жиҳозлар билан таъминланган, кўргазмалар қурулган, плакатлар ўқувчиларнинг етарли билим олишлариغا хизмат қилмоқда.

Биз Когон шаҳридаги 6-сонли умумтаълим мактабда бўлганимизда бунга тўла ишонч ҳосил қилдик. Мавжуд 26 та ўқув хоналарида 654 та ўқувчиларнинг барчасида маънавий-маърифий ишлар бўйича ҳужжатлар тўплами мавжуд. Тўпланган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Давлат тили тўғрисидаги қонун, Амир Темур ҳақида муфассал маълумот, «Темур тузуклари»дан намуналар, давлатимиз рамзлари — байроғи, гимн, герби ҳақида маълумот, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси», буюк муҳаддислар, фикшунсо, дину диёнат тўғрисидаги, буюк аждодларимиз, мутафаккирларимизнинг мардлик, ботирлик, раҳбарлик, дошманлик, инсонпарварлик ҳақидаги фикрлари жой олган.

— Конституция нима ва уни ўрганиш нима учун керак? Конституция орқали нималарни билишимиз керак? Истаган синфингизга кириб, истаган ўқувчидан бу саволларга аниқ жавоб олишингизга ишонаман,

дейди мактаб директори Ҳамро Қурбонов. — Конституция қабул қилинган кун муносабати билан ҳар йили декабрь ойида таълим муассасаларида ҳуқуқий тарғибот ойлғи ўтказилади. Мактабимиз мазкур ойлғида фаол иштирок этиб, Республика миқёсида икки марта биринчи даража Диплом билан тақдирланган. Кўрик-танловларда мунтазам иштирок этиб келямиз.

Дарҳақиқат, Бухоро вилоятида Президентимизнинг тарихий Фармойиши талабларидан келиб чиқиб, Конституцияни пухта ўрганиш мақсадида доимий равишда тадбирлар, суҳбатлар, кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, мактаб ўқувчилари ўртасида 4 босқичдан иборат «Сиз қонунни биласизми?», «Сиз Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини биласизми?», «Президент асарларининг билимдони», «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори» кўрик-танловлари ёшларда Ватанга муҳаббат; Асосий Қонунга нисбатан гуруҳ, ифтихор туйғуларини шакллантиришда.


Муҳтарам қилиб айтганда, жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни ҳуқуқ, меҳр ва ҳавас билан ўрганиш барчамизнинг муқаддас бурчи-миздир. Давлатимиз раҳбари эътироф этганидек, токи униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз Конституциянинг маъно-маънунини, у халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуғи эканини тегаран англаб етсин.

Токи Конституция биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки гуруҳ-ифтихор, керак бўлса, шу заминда истиқомат қилаётган миллати, тили, динидан қатъий назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоя эканини ҳис этиб яшасин.

Валижон ЮСУПОВ,  
«Инсон ва қонун» муҳбири

## ЖАМИЯТ ВА ШАХС

Ушбу бўлимнинг XII боби «Жамиятнинг иқтисодий негизлари» деб номланди, 53-55-моддалар мулк, мулкдорлик каби тушунчаларга оидлик киритди. Маълумки, мазкур мавзу турли давлатларда турлича ҳал этилган. Биздаги мезон эса аён. «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умумийлик бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир». Ўз-ўзидан хулоса келиб чиқадик, умумийлик бойлиқка зарар келтирилишига йўл қўйишга ҳақимиз йўқ. Устига-устак давлат муҳофазасида бўлган неъмат — Ватанимизнинг бебаҳо бойлиғидир. «Жамоат бирлашмалари» бобидаги 56-моддада мамлакатимизда қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимлар жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилиши алоҳида таъкидланган. Мазкур моддадан келиб чиқиб, жамоат ташкилотлари жамиятда ўз ўрнини эгаллайди. Зеро, бугунги кунда Ўзбекистонда Халқ демократик партияси, Фидокорлар миллий демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон либерал демократик партияси, Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси, «Нуроний», «Махалла» жамғармалари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби кўплаб жамоат бирлашмалари ишлаб турибдики, улар Конституциямизнинг ҳаёتبашқаруви эканлигига ёрқин мисолдир.



ТўРТИНЧИ МАҚОЛА

ул ва жонқуяр эканлигини кўрсатади.

Конституциямизнинг «Оила» боби 4 та моддадан иборат бўлса-да, унинг мазмун-моҳияти анча тегарандир. Зеро, ҳозир амалда бўлган «Оила» кодексимиз айни мана шу боддан «илҳом» олган, десак хато бўлмайди. Ушбу бобнинг 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўлиши ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», деган сатрлар оиланинг мамлакат ҳаётида бекиёс ўрин тутишини кўрсатади. Зеро, гап оила ҳақида кетар экан, унда ота-она ва фарзандларнинг ўзаро муносабати қай тарзда таркиб топиши муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Асосий Қонунимиз, энг аввало, тарихимизга, миллий қадриятларимизга таянади. Ва шулар ифодаси сифатида 64-моддада «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етказишга қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар», деган жумла ўз қонуний кучини топади. Бундан ташқари, Бош Қонунимизда етим ва қаровсиз болалар таълим-тарбиясига ҳам кенг эътибор қаратилган. Жумладан, ушбу модданинг кейинги хатбошида «Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитиш таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради» дейилиши Конституциямизнинг нақадар болаҳон ва инсонпарвар эканлигига яна бир далилдир. Ҳа, айтиш мумкинки, Конституциямиз ўзида энг олижаноб ва эзгу гояларни ифода эта олган. Бунини биз юқорида кўриб, дилдан ўтказган моддаларнинг ҳар бири изоҳсиз тасдиқлайди.

Шухрат ЖАБОРОВ,  
Ўзбекистон  
Республикасида хизмат  
қўрсатган журналист



## Эркинлик ва дахлсизлик кафолати

Ҳар бир давлат ўзи учун зарур бўлган қонунларни ўзи яратади. Бунда кенг жамоатчилик референдум ёки қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида қатнашиш орқали иштирок этади. Демак, қонунлар жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш бирга ҳақнинг хоҳиш-иродасини ҳам ифода этади, сиёсий кучлар, ижтимоий табақалар манфаатларининг ўзаро муносабати таъминланади.

Бундан 14 йил муқаддам, 1992 йил 8 декабрда Конституциямизнинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуриш учун замин яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устуворлиги таъминланишидир». Демократик Конституциямизнинг асосий принциплари ҳисобланади, яъни инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда, адолатли жамият қуришда бу принцип муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир.

Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ислохотларга қарамай, ҳали ҳам айрим маъмурий идораларда мансабдор шахслар томонидан қонунни четлаб ўтишга уриниш ҳолатлари учрайди. Зеро, Юртбошимизнинг «Инсон ҳар нарсаси — очликка, муҳтожликка чидаши мумкин, лекин адолатсизликка асло тоқат қилмайди», деган давлатлик нечоғли муҳимлигини унутмаслигимиз даркор. Чунки амалдаги қонунлар барчага бирдек қўлланилмайётганини кўрган киши, ўша жойда адолатсизликдан ранжийди. Бу эса, фуқаролик жамиятини қуриш йўлидаги ҳаракатларимизга халал беради. Қонунларимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари муҳофазаси тўла кафолат берилган. Биргина хотин-қизлар ҳаётига оид қонунлар амалиётда ҳам бунини аққол кўришимиз мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, ишлаб чиқилган 2005-2007 йиллар учун мўлжалланган хотин-қизларнинг иш бўлажогини таъминлаш дастурига асосан, жорий йилда 205

минг хотин-қиз иш билан таъминланганини алоҳида қайд этиш жоиз. Айрим ҳолатларда ишга қабул қилишда керакисиз маълумотномаларни сўраб, ишга кирувчи аёлларнинг ҳуқуқлари бузилгани бўйича судларда низоли ишлар кўриб чиқилмоқда ва адолатли ҳал этилмоқда. Бу омиллар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарасини, инсон қадр-қиммати олий қадрият эканлигини далилловчи ютуқлардир. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан инсон ҳуқуқлари оид юздан ортиқ қонун қабул қилинган, аёллар ва эркаклар учун тенг бўлган ягона инсон ҳуқуқлари концепциясини муҳасам этувчи олтинчида ортиқ халқаро ҳужжат ратификация этилган. Булар барчаси ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини қуриш йўлидаги дадил ҳаракатларимизнинг қонуний кафолатларидир.

Шахрибону ҲАМРОЕВА,  
Фуқаролик жамиятини ўрганиш  
институтини Самарқанд вилояти  
бўлими илмий ходими

## Равон йўл

Истиқлол йилларида мамлакатимизда кўплаб замонавий лицей ва касб-ҳунар коллежлари барпо этилди. Уларда эртанги кун эгалари — ёш авлод таълим олмақда.

Келажак авлод қамолотини ўйлаб қилинаётган бу эзгу ишлар ҳақида таълим тизимидаги туб ислохотлар Конституциямиз таъминловчиларининг амалий ифодаси, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Бугун дёри-мизда мулкдорлар, тадбиркорлар, деҳқон ва фермерларнинг бутун бир янги қатлами вужудга келган экан, аслида уларга кенг ва раван йўл очган ҳам ушбу мумтоз ҳужжатдир.

Тилимиз ва динимизнинг, улуг аждодларимиз ва миллий қадриятларимизнинг эъзозланиши, тинчлигимиз ва осойишталигимизнинг таъминланиши, Ватанимизнинг тараққиёти, барча-барчаси Конституциямиз билан бево-ситта боғлиқ жараёнлардир.

Президент Ислом Каримов ушбу мумтоз ҳужжатда «Жамият дунёвий неъматлар орасида энг улғуи — Инсон деган фикри илғари сурдик», дейди. Мана шу саяё-харакатнинг узвий давоми сифатида ҳар йилнинг Конституция кунини Ўртбошимиз томонидан раъмий номлангани аниқгина айланган. Бунинг маърифий аҳамияти шундан иборатки, йил давомида инсонга эътибор қаратилади ва унинг қадр-қиммати эъзозланади, одам-



ларнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, меҳроқабатни кучайтириш мақсадида кўпдан-кўп хайри ишлар амалга оширилади.

Бу эса Асосий қонунимиз ҳақида халқимизга хизмат қилиб келаётган давлат беради.

Дунёда қонунлар кўп, лекин йиллар ўтиши билан ҳаёт уларга ислохот киритади, ҳатто айримлари ўрнида янги ҳужжатлар қабул қилинади. Аммо жамият ҳаётида доимо муҳим ўрин тутадиган шундай улғувор ҳужжат борки, у халқнинг, келажак авлодларнинг тақдирини белгилаб беради, мамлакатнинг тараққиётига пойдевор бўлади, давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитади.

Йиллар, асрлар ўтади. Вақт ўтган сари бу кутлуг Китобнинг тарихий аҳамияти ва қадр-қиммати ошиб боради.

Отабек БОБОЖОНОВ,  
ТДЮ талабаси

Иbrat

## Одамлар ҳаммаша самимият сари интилади

Судларнинг жамоатчилик билан алоқаси қонунийлик гарови эканлигига одамлар кўп бора гувоҳ бўлишган. Сирасини айтганда, судда кўрилаётган муайян жиноят иши судланувчидан ҳам кўра бошқаларга кўпроқ сабоқ бўлмоғи даркор.

Дарҳақиқат, қонун олдида жавоб берган айрим қимсаларнинг қора қилмишидан бошқалар ҳам хулоса чиқаришлари даркор. Акс ҳолда жиноятчилик газак олаверди, қонунбузарлиқнинг бири иккига дўнаверди. Шундай экан, судларда кўрилаётган ишлар, жиноят тафсилотлари ҳақида кенг оммага мунтазам равишда ахборот бериб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Асримиз бошида мамлакатимиз, шу жумладан, Хоразм вилоятида ҳам жиноятчиликнинг айрим оғир турлари, чунончи, ўғирлик, талончилик, баданга қасддан оғир шикаст етказиш, қотиллик, гийҳвандлик воситалари билан муомала қилиш сингари иллатлар бир мунча авж олганди. Олиб боришдан профилактика тадбирлар, газеталар, телевидение ва радио, турли йиллар орқали ушатирилган тарғибот-ташвиқот ишлари қонунбузарлик ва ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлган кўпгина кишиларни йўлдан қайтаргани, жиддий хулоса чиқариши-



ҳам хулоса чиқаришар, шайтон васосидан халос бўлиб, ҳаётда ўз йўлини топиб кеттишар, деган ниятда тахририятингизга келдим. Суд мени тўғри йўлга бошлади, кўзимни очди, элга нафим тегадиган кишилар сифати бўлишга ундади.

Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди ходимларининг оммавий

бу ерда ишловчи бошқа ходимларни ҳам доимо даъват қилиб келади. Судлар, фаолиятнинг долзарб масалалари, жиноятчиликнинг ўзи бу қиринишлари юзасидан ўтказилган суд мажлислари, қонунбузарликка қарши курашида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли мавзусида бир неча бор матбуот анжуманлари ўтказилган, кўп сонли ўқувчилар, эшитувчи ва томошабинлар учун ҳам низоҳатда фойдаланиб бўлди. Суд раҳбариятининг омма билан алоқаси, қалам аҳли билан ҳамкорликка астойдил бел боғлагани ўз самарасини беради. Соҳа ходимлари одамлар билан юзма-юз мулоқотлар, чунончи «давра суҳбатлари», бевоситат учрашувлар, илмий-амалий анжуманларга ҳам алоҳида эътибор қаратишган. Вилоят Ички Ишлар Бошқармасининг шахсий таркиб жағоварлигини таъминлаш Маркази бошлиғи, подполковник Фозилжон Давлатовнинг «Инсон ва қонун» газетасида эълон қилинган мақола-си, жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси Султонмурод Ҳужамуродов ушбу Марказ тинловлари билан қонунчиликнинг аниқлиги билан ҳуқуқий бир неча бор мароқ-

ли суҳбат ўтказганини қайд этди.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш» ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги 2005 йил август ойида қабул қилган иккига Фармони ўз мазмун-моҳиятига кўра жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга бўлган. Уни одамлар ўртасида кенг тушунириш, тарғиб ва ташвиқ қилишда суд ходимларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ушбу Фармонлар эълон қилинганидан сўнг ўтган қисқа фурсат ичида фуқаролар билан 63 мартаба юзма-юз учрашув ва мулоқотлар уюштирилди. Оммавий ахборот воситаларида суд ходимларининг 20 дан кўп таг-заминли мақолалари эълон қилинди. Айни пайтда суд ҳуқуқлари билан боғлиқ хусусий ахборот ва сайёр суд мажлисларига ҳам катта ўрин ажратилди. Масаланинг яна бир ибратли жиҳати бор. Суд ходимлари оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик доирасида наинки қонунчилигимиз, балки матбуотнинг ўзини ҳам фаолият билан тарғиб-ташвиқ этишга шай, ташкилотчилик тадбирлари ўтказишга шай. Суд ходимлари эл олдидаги мулоқотлар чоғида маъқеи, уларнинг ўзига хос қиёфаси, мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб, одамларни газетчиликка чорлашга танигани ҳам гувоҳ бўлиса.

Ана шундай саяё-харакатлар асосида вилоятнинг Гулстан тумани бундан бир неча йил муқаддам газет-хонлар сони бўйича мамлакатда би-

ринчи ўринга чиқди. Туман судига раислик қилган Ҳасанбой Мухаммад-жоновнинг жонқуярлиги ва тиришқоқлиги туфайли биргина «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси обуначилари сони мазкур туманда 500 данадан ортди. Х.Мухаммад-жонов эндиликда жиноят ишлари бўйича Хазорасп туман раиси бирор билан суҳбат курси, албатта ҳуқуқий наشرлардан сўз очди. Ҳуқуқий маданиятни кўтаришда газет ва журналларнинг роли ва ўрни ҳусусида мароқ билан сўзлайди, қонунни билган йўлдан тоғайлашни таъкидлайди. Шу боиски, эндиликда обуначиларимиз сони мазкур туманда йил сайин ортиб бормоқда.

Шунинг учун ҳам Хоразм вилояти газетчиликни «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси, «Ҳуқуқ ва бурч» юридик журнали обуначилари бўйича ҳар йили Республикада энг юқори ўринларни эгаллайди. Бунда суд ходимларининг ушлари салмоқли.

Оммавий ахборот воситалари, қалам аҳли билан ҳамкорлик ютуқлар қалити эканлигини ҳис қилган суд соҳаси ходимларининг маърифий йўлдаги саяё-харакатлари жиноятчиликнинг олдини олишда қўл келаяпти. Энг муҳими, тарғибот-ташвиқот натижалари суд маҳкамалари ва одамлар ўртасидаги самимий ришталарини мустаҳкамламоқда. Бу эса ўз ўрнида демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги муҳим қадамдир.

Абдулла ҚОДИРОВ,  
«Инсон ва қонун» муҳбири

**Қашқадарё иқтисодиёти, унинг равнақи ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Бу ерда қандай ютуқларга эришяётган бўлсак, уларнинг замирида халқимизнинг, аввало, қашқадарёликларнинг улкан бунёдкорлик меҳнати ва ғайрати мужассамдир.** Ислон **КАРИМОВ**



Янги стадион



Бугунги Қариш шаҳри



Болалар иxtiroqat bog'i

## Қашқадарё: истиқлол одимлари

Қашқадарё қадимдан ўтроқ деҳқончилик ва шаҳарсозлик ўчоқларидан бири бўлган. Вилоятда 638 та археологик, 181 та архитектура, 75 та ҳайкалтарошлик ёдгорликлари, 37 та зиёратгоҳ бор. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, Чирокчи туманидаги Сийпонтонда аниқланган тошгад жадвал мезолит даврига мансуб дунёдаги энг қадимий тақвимлардан бири ҳисобланади. Чирокчи, Шаҳрисабз туманларида полейолит, мезолит, неолит даврига оид қоя суратлари топилган. Китоб туманида ер қурасининг бир неча юз миллион йиллик эволюциясини ўзида акс эттирган йирик геологик қўриқхона жойлашган.

Юртбошимиз Ислон Каримов Қашқадарё вилоятига раҳбарлик қилган йилларида шаҳар ривожланиши сари юз тутди. 1986-1989 йилларида вилоят иқтисодиёти янада юксалди. «Термопласт» заводи, «Деҳқон» ва «Буом» бозорлари, «Мебеллар уйи», чет эл технологияси асосланган «Исик нон» ва қатор янги ишлаб чиқариш корхоналари қурилди. Кўпгина завод ва фабрикаларнинг технологиялари замонавийлаштирилди. Турли маданий-маиший иншоотлар қурилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Шаҳрисабздаги «Оқ сарой», «Гумбази Сайидон», Қариш шаҳридаги «Одина» масжиди ва «Сардоба» мажмуаси ҳамда «Қўқумбаза» масжидларига мустақиллик йилларида қайта умр бағишланди.

Истиқлол йилларида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш борасида ҳам бир қанча хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 106,4 километр газ ва 256,2 километр масофада сув тармоқлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Магистрал ва ички йўллар ҳисобига 269 километр йўл қурилди ва тасмилланди.

Мустақиллик йиллари тарихига зарҳал ҳарфлар билан битиладиган «Тошгузар-Бой-

сун-Қумқўрган» темир йўли қурилишининг вилоятимиз ҳудудидаги қисми низоҳасига етди. Айни пайтда йўлсозларимиз денгиз сатҳидан 1570 километр баландиқда «Оқработ» станциясидан қўшни Сурхондарё вилоятидаги «Дарбанд» станцияси томон темир излар ётқиза бошлади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Ўтган йил мобайнида 59 та объект хусусийлаштирилди. Вилоятда мулкдорлар синфини шакллантириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йилнинг охиридаги ҳисоб-китобларга қараганда, айни пайтда вилоятда 69845 та тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятда ташқи савдо айланмаси ҳамми 409,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу 2005 йилнинг шу даврига нисбатан 35,2 фоизга кўп демакдир. Ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажми 273,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Янги ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 11,3 фоиз ўсishга эришилди.

Воҳада қўшма корхоналар ташкил этилишида ҳам ижобий натижалар кўзга ташланмоқда. Айни пайтда вилоятда 58 та қўшма корхона рўйхатга олинган.

Шунингдек, вилоятда бир қатор ишлаб чиқариш объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Улардан энг йириклари «Шуртангаз-Кийё» мажмуаси ва Талимаржон ИЭСнинг қурилишидир. Нефть-газ қонлариди ва уларни қайта ишлаш корхоналарида янги қуватлар, газ-компрессор станциялари ишга туширилди.

Юртбошимиз Қашқадарёда амалга оширилган бунёдкорлик ишларига юксак баҳо бердилар: **«Айни пайтда Мустақиллик майдони, Марказий ва болалар иxtiroqat bog'i, амфитеатр майдони, кўпжаб янги турар-жойлар, тиббиёт ва маданият муассасалари, кенг ва раво кўчалар, обод бозор ва қўқум хибронлар мисолида Қариш шаҳрининг замонавий қиёфасини қуришимиз мумкин. Айниқса, бизнинг олий мақсади-миз бўлиши соғлом ва баркамол алоҳиди вояга етказиш ишига ҳизмат қиладиган замонавий лицей ва коллежлар, янги мактаблар, Олимпия заҳиралари, спорт коллежлари, енгил атлетика манежи ва ёпиқ стадион, хотин-қизлар спорт мажмуаси, нафкат вилоятда, балки мамлакатимизда алоҳида ўрин эгаллайди».** Президенти-мизнинг Қариш шаҳрининг 2700 йиллик тантаналаридаги маросимда таъкидлаган. Бу сўзлари вилоят аҳолисининг истиқлол йилларида амалга оширган бунёдкорлик ишларига берилган энг юксак баҳоидир.

**Мултур ХАЙИТМУРДОВ,** Қашқадарё вилоят ҳокимининг ўринбосари

## Ахборот тизими — хизмат беминнат

Бу ҳақда бизга филиал директори Солиҳ Ҳафизов куйидагиларни сўзлаб берди: — Қашқадарё вилояти ер майдони ва аҳолисининг жугрофий жойлашуви жиҳатидан алоҳида нуфузга эга. Аҳолига почта хизмати кўрсатишининг масъулияти ва залворини ҳам шунга яраша. Айни пайтда вилоят филиали тизимида 13 та почта алоқаси тармоғи ҳамда Қариш почта ишлаб чиқариш участкаси ва 285 та алоқа бўлимлари мавжуд бўлиб, жами мингга яқин ишчи ходимлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Улардан 141 нафари олий маълумотли, 500 нафарга яқини ўрта махсус ва 300 нафардан зиёди ўрта маълумотга эга. Турли хизмат турлари бўйича ўтган йилнинг шу даврига нисбатан даромад-хат-хабарлар бўйича 139 фоиз, обуна бўйича 135 фоиз, газета сотуви бўйича 146,1 фоиз, пенсия тарқатиш хизматида 135 фоиз ва ҳар хил қўшимча хизмат турларидан 212,4 фоиз ўсishга эришилди. Ҳозирги кунда филиал тизимидаги Қариш почта ишлаб чиқариш участкаси ҳамда Шаҳрисабз почта алоқаси тармоқларида электрон пул жўнатмалари тизими ишга туширилган. Алоқа шохобчаларида ахборот коммуникацияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича 2005 йилдан 13 та, 2006 йилда 11 та замонавий компьютерлар олинди. Теъдир хизмат учун жорий йилда 4 та «Дамас» русумли автотранспорт воситаси олдик. Бир сўз билан айтганда, филиалимиз жамоаси аъзолари замон талабларидан келиб чиқиб, барча соҳавий ахборотлар алмашинуви бўйича филиаллар ўртасида биринчиликни кўзлаб меҳнат қилаётди.




«Ўзгеобургунепфегаз» АК биноси



Эл-юрт таянчи монументи

## Аср мўъжизаси



Бугунги кунда «Тошгузар – Бойсун – Қумқўрган» темир йўли XXI аср мўъжизаси, деб аталмоқда. Қурилиш ишлари денгиз сатҳидан қариб 1570 километр баландиқда олиб борилаётган бу улкан объект бугунги кунга келиб ёшларни ҳам ўзига жалб этди. Шу кунларда Тошкент, Термиз, Қариш шаҳарларидан келган юздан ортиқ талаба темир йўл қурилишида иштирок этапти. Қалбида Ватан меҳри, вужудда ёшлик шиҳовати ва ғайрати тўлиб-тошган навқирон йигитлар айни пайтда «Деҳқонбод», «Дарбанд» бекатлари ҳудудидаги темирйўл ва бошқа бир қанча иншоотлар қурилишида меҳнат қилишаётди.

«Тошгузар – Бойсун – Қумқўрган» темир йўли мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида қурилаган энг катта бунёдкорлик объектларидан бири. Қурилиш ишлари ўта мураккаб тоғ шароитида амалга оширилмоқда.

Янги темир йўл қурилиши муносабати билан Қашқадарё вилоятида темир йўл бекатлари сони 2 тага кўпайди. Эндиликда Қариш-Ғузор йўналишида жойлашган Тошгузар бекатидан поездга ўтирган йўловчи Деҳқонбод тумани, қўшни Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Қумқўрган туманларига бориш

имкониятига эга бўлди. Деҳқонбод бекати туман аҳолисини темир йўл билан боғловчи асосий ва ягона манзил ҳисобланади. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, вилоятнинг тоғли Деҳқонбод тумани ҳудудидан биринчи марта ўтаётган пўлат излар маҳаллий аҳоли учун жуда катта қулайликлар яратиш билан бирга, туманининг иқтисодий ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутди.

Умумий масофаси 220 километрни ташкил этадиган «Тошгузар – Бойсун – Қумқўрган» темир йўл қурилишининг Қашқадарё вилояти ҳудудидан ўтадиган қисмидаги қурилиш ишлари поёнига етди. Эндиликда «Оқработ» станциясидан қўшни Сурхондарё вилоятидаги «Дарбанд» станцияси томон темир излар ётқизила бошланди.

Бугунги кунга келиб 190 километр масофага темир излар ётқизилди. 32 та темир бетон кўприк, 450 та сунъий иншоотлар қад ростлади. Олти разъезд, етти бекат, бешта темир йўл бекатлари қуриб битказилди. Тангмуш бекатида 85 метр узунликда темир бетон галереяси бунёд этилди.

Янги темир йўл қурилишининг 32 километрини ўз ичига оладиган учинчи босқичда умумий узунлиги 1200 метр бўлган, биринчи марта монolit тирақлар кўтариш технологияси қўлланилган ҳолда бешта кўприк қурилиши амалга оширилмоқда. Янги йўналишдаги темир йўлда қуриладиган 45 та кўприкнинг 40 тасини мамлакатимизнинг қурилиш фирмалари бунёд этади. Қолган 5 та кўприк эса Япониянинг Халқаро ҳамкорлик Банки томонидан ажратилган кредит ҳисобидан бунёд этилади. Айни пайтда кўприкларни қуриш ишлари жадал олиб бориламоқда.

Мустақиллик йилларининг энг улкан иншоотларидан бири бўлган «Тошгузар – Бойсун – Қумқўрган» темир йўли нафкат қўшни вилоятларни бир-бирига боғлайди, балки бу икки йўлга аҳолисини турмуш тарзига фойза ва барака ҳам олиб киради.

**Дилфуза ИРГАШЕВА,** журналист

Азал-азалдан шаҳрисабзлик хунармандлар, айниқса, қўли аёллар томонидан момомерос чеварлик, ўзига хос санъаткорлик билан тикилган гилам дўппи, кашта, сўзаналар етти иқлимда машҳурлиги бор гап.

## Чевар қўллар яратган мўъжиза

Қадим Кешнинг сабза табияти ўзида арқин акс эттирган бу буюмлар ўзимизникиларни ҳам, хориқликларни ҳам лол қолдириб келганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бироқ бундан бир неча йил муқаддир шаҳардаги «Хужум» бадий буюмлар фабрикаси банкот бўлиб, инқирозга учрагандан сўнг кўпчилик қатори чеварлар ҳам ишсиз қолиб, бошлари қотдани...

Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидики ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони шаҳрисабзлик чеварларнинг сўнаваган орузларига қанот бағишлади. Бу Фармон наҳотбахш кунга эга бўлиб, кўнгилларни яратиб олди. Айни шу Фармон асосида туман ҳокимлиги, Бандликка қўмақлашувчи марказ билан ҳамкорликда дастур тузиб, алоҳида қарор қабул қилинди. Дастур асосида шаҳар ва туман бўйича 28 жойда касаначи меҳ-




нати маҳсулотларини ҳисобга оладиган марказлар ташкил этди. Ҳозир бу марказлар ҳисобидан 500 дан зиёд хотин-қизлар иш билан таъмин этилган. Жорий йилнинг иккинчи ярмида бу рақам мингдан ошсини кўзда тутилган. Булар асосан Шаҳрисабздаги йирик корхоналар, Норуда материаллар ишлаб чиқаруш корхонаси, «Саодат» хиссадорлик жамияти, Шаҳрисабз «Нон» ОХЖ, Геология қидирув экспедицияси, «Дилдора» ишлаб чиқариш корхонаси, «Тил-ўқув марказлари» ҳузурда қарор топди. Улар касаначилар меҳнатига одилона баҳо бериб, соҳанинг

минламоқда. Туманининг Мўминобод қишлоғида яшайдиган тадбиркор аёл Юлдуз Мамадйорова 73 нафар касаначи, каштадўз, дўппидўз аёлларнинг алоҳиди қувштириб, улар тайёрлаган буюмларни ўзимизда ва хорижда сотишлисини таъминламоқда.

Юлдуз опа Дўнгқишлоқ, Қорапўйча, Шанби, Авазмалик, Мўғултой, Палаңдара қишлоқларида яшайдиган чевар аёллар билан шартнома тузиб, улар тикан ноёб нусхали «Қаламқирмуночок» номли сўзана, ироқи дўппи, жойнамо, «Чинигул» ёстиқ жилди каби 48 турдаги буюмларга нафкат юртимизда, ҳатто узок Франция, Хиндистон, Хитой ва Японияда ҳам харидорлар топиб, юртимиз миллий маданиятини жаҳонга кўз-кўз қилишмоқда. Хулоса қилиб айтганда, Шаҳрисабз касаначилиги истиқлол ва ислохлар шарофати билан аёллар меҳнатининг янада қадр топишига салмоқли улуш қўшмоқда.


**Абдуқоҳор ТЕМИРОВ,** Шаҳрисабз туман ҳокимлиги Бандликка қўмақлашувчи марказ бошлиғи



Сайлоғ



Одина масжиди



Олимпия заҳиралари коллежи

Саҳифа материалларини «Инсон ва қонун» муҳбирлари Ойдин АНОРОВА ва Розн РАҲМОН тайёрлади

## Эзгуликка хизмат қилади

Жамият тараққиётида солиқнинг ўрни катта. Давлат бюджетини мустақамлаш ҳақида гап бора-бор экан, бу ички имкониятлар, фойдаланилмаган заҳиралар ҳисобига солиқ тўловчилар сонининг ошишига эришиш, демакдир. Бу солиқчилар зими-масига катта масъулият юклайди.

Вилоятда бюджетга маблағ тушириш бўйича жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги тахлил кўрсаткичи 103 фоизга баъарилди. Давлат бюджетига 228 миллиард 964,3 миллион сўм ўрнига 235 миллиард 877,5 миллион сўм кўп маблағ туширилди.

Эндиликда президентимиз Фармон ва қарорлари асосида текширишлар сони кескин камайдди. Ўтган 6 ой мобайнида турли мулкчилик шаклидаги савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар ҳамда шохобчаларда 247 ҳолатда текширишлар ўтказилди, холос. Текширишлар шунинг кўрсаткичи, ҳали ҳам айрим юрдошларимиз қонуний тижоратдан қўра ноқонуний йўлни афзал билишди. Ўқазилган текширувларнинг барчасида турли шаклдаги ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. Наҳд пул тушумини қўпайтириш ва хуфёна иқтисодиётига қарши курашиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда ўтказилган рейд текширув-

ларида 441 ҳолатда 121,2 миллион сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган товар моддий бойликлари ноқонуний сотиладиганлиги аниқланди. 84 та яширин ҳовлар фощ этилди. Улар фаолиятига нукта қўйилди.

Текширишлар сонини камайтириш аниқланган сакланган ҳолда қонунга мувофиқ ўтказилаётган текширишларнинг самарадорлиги йилдан-йилга ошмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида назорат идоралари томонидан ҳужалик юртуручи субъектларда ўтказилган 1406 та текширишдан 1392 тасида ва солиқ идоралари ўтказган 520 та текширишдан 515 тасида турли хато ва камчиликлар аниқланди.

Солиқ тизими нафкат солиқларини ундириши, балки биринчи гада рағбатлантириш ҳамдир. Президентимиз таъкидлаганларидек, «...Шунга эришмоғимиз керакки, ҳар бир солиқ тўловчи, у хоҳ жисмоний, хоҳ юридик шахс бўлсин, солиқ тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларини яширишга уринмасдан, аксинча, ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва даромадини оширишга интилийи лозим».

**Хуррам ЖУРАЕВ,** Қашқадарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи

Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси томонидан ўтган ярим йил мобайнида вилоятдаги юздан ортиқ ҳужалик юртуручи субъектларда тузилган шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг қонунийлиги ўрганиб чиқилди. Мазкур ҳужалик юртуручи субъектлар томонидан тузилган 184205 та 194318560 миң сўмлик шартномалар таҳлил қилинди. Ўрганиш жараёнида 594 та 138392,6 миң сўмлик шартномалар тузилишида қонуنبузливлиш ҳолатларини йўл қўйилганлиги аниқланди ва мазкур шартномаларни қайтдан, қонуний равишда тузилишига эришилди.

## Қонун ҳимоясидаги тадбиркор

Жорий йилда қишлоқ ҳужалик корхоналари билан тайёрлов корхоналари ўртасида пахта хомаёси, бошоқли дон ва пилла етказиб бериш борасида 46 251 та 46318 235 миң сўмлик контрактация шартномалари тузилган бўлиб, да ҳаҳ бевосита бошқарма мутахассисларининг қўли билан бора.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан фермер ҳужаликларини билан тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи, моддий-техника ресурс-

лари етказиб беришчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларнинг қонунийлиги ва бажарилиши мунтазам равишда ўрганиб борилаётди. Шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ҳолатларда эса тегишли таъсир чоралари қўлланиб келинмоқда. Айниқса, қишлоқ ҳужалиги маҳсулотлари — пахта, галла, пилла, гўшт, сўт, мева-сабзавот сингари маҳсулотлар етказиб бериш юзасидан тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ етказиб берилган маҳсулотлар учун ҳисоб-китоб-

корлик субъектлари фойдасига ундириши ҳақида судга даъво аризаси киритилди. Ушбу даъво аризалари, деярли қаноатлантирилди. Масалан, вилоят адлия бошқармаси томонидан «Ироқи туманидаги «Зулфиқор ўғли Темир» фермер ҳужалиги манфадларини қўзлаб, жаобгар, Нишон пахта тозалаш очик хиссадорлик жамиятидан 773335 сўмлик режадан ортиқча топширилган маҳсулот ҳақини ундириш турғисида вилоят ҳужалик судига даъво аризаси киритилган.

Ҳал этилганлиги ҳам исботлаб турибди. Шу боис адлияга мурожаат қилувчилар сони тобора кўпаймоқда. «Ишон» телефонларига кўнгилроқлар сони ҳам анча ошди. Мақсадимиз ҳам, ниятимиз ҳам битта. Тадбиркорни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш. Ана шунда унинг қўли ишдан совимайди. Бу эса пировард натижада юрт ривожига, эл фаровонлигига олиб келади.

**Норкуват ЯНГИБЕКОВ,** Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи

Baraka

Ризқи бутун юрт

Мустақиллигимизнинг муборак 16 йиллик тантанаси арафасида мамлакатимиз галлакорлари 6 миллион 250 минг тоннадан зиёд дон етиштириб, улкан зафарга эришди...



Мустақиллигимизнинг муборак 16 йиллик тантанаси арафасида мамлакатимиз галлакорлари 6 миллион 250 минг тоннадан зиёд дон етиштириб, улкан зафарга эришди...

мер ва деҳқон хўжалиқларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, минерал ўғитлар, ёнилғи мойлаш материалларини талон-торож қилиш, гидро-техника, мелiorация иншоотлари ҳамда қишлоқ хўжалиғи техникасини ишлашнинг ҳўжасизлигининг олдини олиш ва қишлоқ хўжалиғи соҳасида қонунчиликни кенг қўллашда тушунтириш йўли билан ҳуқуқбузарликка йўл қўймасликка қаратилган...

Меҳнат шартномаси — бу фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга ошириш шакли бўлиб, меҳнатта оид ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқарувчи ва муайян вақт давомида амал қилишни таъминловчи меҳнат қонунчилиги институти ҳисобланади.

Talqin

Меҳнат муносабатлари ва уни тартибга солишда меҳнат шартномасининг аҳамияти

Бошқа турдаги шартномалардан фарқи равишда меҳнат шартномаси ҳодим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишчи меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир.

нусхада тузилади ва ҳар бир тарафга саклаш учун топширилади.

Меҳнат шартномасида тарафларнинг манзиллари кўрсатилади. Меҳнат шартномаси ҳодим ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсининг имзолари билан мустақамлашиб, имзоланган муддати қайд этиб қўйилади. Мансабдор шахсининг имзоси имзонинг ҳақиқий ва ваколатли эканлигини таъкидлаш тарихида қорхона мўҳри билан тасдиқланади.

Меҳнат шартномасини тузиш пайтида ҳодимларнинг қонуний ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари даражаси пасайтирилиши мумкин эмас.

Ҳодим билан тузилган меҳнат шартномаси ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқариш учун асос ҳисобланади. Буйруқ тузилган меҳнат шартномаси мазмунига эид бўлмаслиги керак.

Меҳнат шартномасининг аҳамияти шундаки, у ҳодим ва иш берувчининг эрки ҳамда мақсадларини ифода қилади. Меҳнат шартномаси орқали фуқаро меҳнат жамоаси таркибига киритилади. Натихада ҳодим ва иш берувчи ўртасидаги меҳнатни олиб бориш шартлари келишилади, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади.

Меҳнат шартномасини туғри тузиш, ундаги тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига риоя қилинишини таъминлашга меҳнат шартномаси тарафларнинг ҳар иккиси иш берувчи ҳам, ҳодим ҳам масъулдир.


Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, бизнинг асосий вазифамиз меҳнат муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масалаларини тулиқ ўрганиш ва таҳлил қилиш, қолaversa, бу борада ечимини тасдиқланган намунавий шартномани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилад.

Меҳнат шартномаси бир хил кўчага эга бўлган камида икки

«АСАКА» банк

Мамлакатимиз ривожланишида банк пластик карточкаларининг аҳамияти

Давлат Акционерлик Тижорат «АСАКА» банки 1999 йилдан бошлаб, Республикада пластик карточкалар тизимини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. «АСАКА» банки ривожланган мамлакатлар банклари қатори ўз иш салоҳиятига эга бўлиб, пластик карточкалар тизимини ривожлантириш йўлида тинмай изланиш олиб бормоқда. Бугунги кунда банкда пластик карточкаларнинг икки хил тури: дебет ва кредит карточкалари муомалага чиқарилган.



«АСАКА» банк пластик карточкалар хизмат бозорининг 2005 йилгача бўлган давр ичида банкнинг пластик карточкалар орқали ўтказилган нақд пулсиз а й л л а м а с и 1,9 миллион сўмини ташкил қилган бўлса, 2005 йилда 4,1 миллион сўми, 2006 йилда 13,6 миллион сўми ва 2007 йилнинг 6 ойи давомида эса ўтказилган нақд пулсиз айланма сўммаси 10,7 миллион сўми ташкил қилди. Бугунги кунга келиб банк томонидан 208 миңдан ортиқ пластик карточкалар муомалага чиқарилди ва тўлов терминаллари сони 1750 дан ортиди. Мазкур терминаллар банк кассаларида, жамағар ва коммунал тўловлар қабул қилишчи кассаларда амал қилинади. Бу терминалларнинг асосий қисми савдо ва хизмат кўрсатувчи қорхона ва ташкилотларга ўрнатилган.

Мазлумот учун 120-82-88 — ишонч телефон рақамига мурожаат этишингиз мумкин.

қилиш, республикаимиз худудидан четга олиб чиқиб кетиш каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида туман ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда тезкор чора-тадбирлар олиб борилди. Айниқса, фермер хўжалиқ раҳбарлари, меҳнатқашлар ва кўшни Тожикистон Республикаси билан чегарадош худудда истикомат қилаётган фуқаролар ўртасида олиб борилган ҳуқуқий тартибот ишлари яхши натижа берди.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, галлакорларимиз эришган меҳнат зафари юртимизни янада обод ва фаровон этишда мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Бу олий ҳимматда прокуратура тизимининг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги шарафли меҳнат фаолиятимизда янада ғайрат ва шижоат бағишлайди. Зеро, қонунчилик барча эзгу мақсадларимиз неси-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш, турли хил бахтсиз ҳодисалардан ва ҳосилини талон-торож

Дилшод ИСРОИЛОВ, Бўка туман прокурори

Tizim tadbiri VAZIFALAR BELGILANDI

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш учун зарур бўлган сиёсий, иқтисодий, иқтисодий ва маънавий омиллар сирасида жамиятнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу соҳада амалга оширилаётган муҳим ишлар тизимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 август қарори билан тасдиқланган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури»да белгиланган чора-тадбирлар алоҳида ўрин тутайди.

Taassuf Найрангга нуқта қўйилди

Айрим кимсалар ўз айшу ишратини, кайфу сафосини, ҳамёнини, нафсини учун ҳар қандай қонунийликдан тинч тортмайдилар. Бу тоифадаги одамлар ўз манфаатлари учун қўбўямачилик, алдамчилик, ҳаттоки, қаллоблик қилишдан ҳам тоймайдилар.

Яқинда ана шундай кимсалардан бири — Самарқанд вилояти Каттакўрғон тумани Раҳима Исмолова ширкат хўжалиғи «Шийпон» қишлоғида яшовчи «Муниса М.А.К.» хусусий қорхонасининг бошлиғи Қажрамон Қаҳҳоровнинг хўжалиқ фош бўлди. У ўз манфаатини ўйлаб, Каттакўрғон шаҳар давлат солиқ инспекциясига топширилган ҳисоботларда хусусий қорхонанинг 2006 йиллик ҳисоботларида товар айланмаси амалга оширилмаган, деб сохта маълумот берган. Бироқ, «Пахтабанк» Каттакўрғон шаҳар бўлимининг қорхонага тегишли ҳисоб рақамидоғи товар айланмаси ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинганда, 2006 йил давомида «Муниса М.А.К.» хусусий қорхонаси улгурчи савдонини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи махсус лицензияга эга бўлмаган ҳолда 25.470.000 сўмлик асосий восита ва товар моддий бойликларини пул қўбини йўли билан сотганлиги аниқланди. Бунинг устига қорхона товар айланмасини ҳисоботларда 25.470.000 сўмга қасддан яшириб кўрсатиб, пенсия жамағарасидан 178.300 сўмлик, автоўл жамағарасидан 254.700 сўмлик, мактаб таълимини ривожлантиришга 1 фозизли ажратмадан 254.700 сўмлик, қўшилган қиймат солиғи 20 фозизли ставкасидан 3.065.600 сўмлик солиқларни яшириб, 2006 йил йиллик ҳисоботларида жами 3.753.300 сўмлик давлат томонидан белгиланган солиқлар ва бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб келганлиги аниқланди.

Санг устига порсанг, деганларидек, «Муниса М.А.К.» хусусий қорхонаси бошлиғи Қажрамон Қаҳҳоров ўтган 2004 йилда ҳам ҳисобот даври учун пенсия жамағарасига тортиладиган соғушум 106.370 минг сўмини тўламаган. Қорхонада ўтказилган текшириш натижасида «Муниса М.А.К.» хусусий қорхонаси жами бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамағараларга 2004-2006 йиллик ва 2007 йилнинг биринчи чорак ҳисобот даври бўйича 4295,8 минг сўмлик солиқ ва мажбурий ажратмадан 4,2 минг сўм, 2005 йил ҳисобот даврида қўшимча қиймат солиғидан 13657,6 минг сўм ва 2006 йил ҳисобот даврида қўшимча қиймат солиғидан 822,8 минг сўм, 2,5 фозизлик пенсия жамағарасидан 4,2 минг сўм, 2005 йил ҳисобот даврида қўшимча қиймат солиғидан 13657,6 минг сўм ва 2006 йил ҳисобот даврида қўшимча қиймат солиғидан 822,8 минг сўм, 2,5 фозизлик пенсия жамағарасидан 4,2 минг сўм, 2,5 фозизлик пенсия жамағарасидан 97,0 минг сўм, ишчиларнинг иш ҳақидан ушланмадан 1 фозизлик пенсия бадалидан 959,7 минг сўм, дармад солиғидан 11515,8 минг сўм, ҳуллас, жами 2003-2006 йиллар давомида 38 миллион 645 минг 700 сўмлик солиқ ва мажбурий тўловларни ҳисоботларда камайтириб кўрсатиб, бюджетга солиқ ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаб келганлиги аниқланди. Ушбу сохта тадбиркорларнинг фаолияти жиддий ўрганиб чиқилиб, ўтган давр мобайнида солиқ идораларига тўламаган пуллари тулиқ ундириб олинди ва ушбу найрангбоз тадбиркорлар ўз қилмишларига яраша жазага тортилдилар.

Маҳкам ҲАМИДОВ, Каттакўрғон шаҳар прокурори, Азим ҚОДИРОВ, «Инсон ва қонун» мухбири

ятли ҳал этилишини таъминлаш масаласи, бу борадаги вазифаларга тўхталиб ўтилади. Эркин фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш вазифаси жуда мураккаб бўлиб, у сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда ўшбо ислохотларни ўтказишни тақозо этишини ҳисобга олган ҳолда бугунги кунда мамлакатимизда шу соҳага оид қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги таъкидланди. Ақлия вазирининг ўринбосари С.Холбаев раислик қилган мазкур давра суҳбатига республикаимизнинг бир қатор вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари ходимлари, олий ўқув юрталарининг профессор ўқувчилари ҳамда кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Ақлия вазирлиги Ахборот хизмати



мажбурий ажратмадан 486,6 минг сўм, ягона солиқдан 3960,3 минг сўм, 0,7 фозизлик пенсия жамағарасидан 230,9 минг сўм, 2004 йил ҳисобот даврида ягона ижтимоий тўлов солиғидан 55,0 минг сўм, 2,5 фозизлик пенсия жамағарасидан 4,2 минг сўм, 2005 йил ҳисобот даврида қўшимча қиймат солиғидан 13657,6 минг сўм ва 2006 йил ҳисобот даврида қўшимча қиймат солиғидан 822,8 минг сўм, 2,5 фозизлик пенсия жамағарасидан 97,0 минг сўм, ишчиларнинг иш ҳақидан ушланмадан 1 фозизлик пенсия бадалидан 959,7 минг сўм, дармад солиғидан 11515,8 минг сўм, ҳуллас, жами 2003-2006 йиллар давомида 38 миллион 645 минг 700 сўмлик солиқ ва мажбурий тўловларни ҳисоботларда камайтириб кўрсатиб, бюджетга солиқ ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаб келганлиги аниқланди. Ушбу сохта тадбиркорларнинг фаолияти жиддий ўрганиб чиқилиб, ўтган давр мобайнида солиқ идораларига тўламаган пуллари тулиқ ундириб олинди ва ушбу найрангбоз тадбиркорлар ўз қилмишларига яраша жазага тортилдилар.

Afsus Ишонманг «Дўстингга»

... У бундан олдин ҳам икки бор судланган. Яъни, «қўрсатган қароматлари» туфайли қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилган. Шу пайтга қадар умрининг кўп қисмини жазони ижро этиш мажасаларида ўтказишга «муяссар» бўлган.

Бироқ у бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб ололмади. Хуллас, у яна жиноятқа қўл ўрди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан унга нисбатан эълон қилинган айблов ва унинг хулосаси билан танишиб чиқсангиз, сизга-да, барчаси аён бўлади: «Иброҳим Қўличев 2006 йил 13 сентябр куни таъминан соат 24 ларда Оқ-отин тумани Усмон Носир хўжалиғи Зарафшон қўчаси 16-ўй 2-хонадада яшовчи таниши Наталя Гладкихнинг уйда йўқлигидан фойдаланган унинг шафқи эшигини бузиб, Гладкихга тегишли 1000 АҚШ доллари, 420 минг сўм пулни олиб, жуфтани роставлади.

Шундай қилиб, И.Қўличев ўзга-нинг кўп миқдордаги пулни талон-торож қилишни ифодалаган жиноий ҳаракатлари билан Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми, «А.В» бандларида қўрсатилган жиноятни содир этди». «Қажрамонимиз» 1961 йилнинг 26 январиди Фаргона вилоятида туғилган. Миллати ўзбек, ўрта маълумотли, оилали — 1 нафар фарзанднинг отаси. Бирон жойда ёлчилик ишламаган. Буни қарангки, жабранувчи 2003 йилдан буён И.Қўличев билан қонуний никоҳдан ўтмасдан яшаб келарди. Судланувчининг оиласи ва унинг аъзоларининг яшаш таниши. Чўки бир хўжалиқда, бир маҳаллада яшашди-да.

Узун иш хўжалиқдаги пахта қабул қилиш пунктида қўйилардан бўлиб лаборант вазифасида ишлаб келган. Фарзандлари Россияда яшашди. Бўкча содир бўлибди бир кун олдин — 13 сентябрда. 13-ўй 2-хонадада яшашди-да.

Иброҳим уйимга маст бўлиб келди. Тўғриси, у ўз уйдан кўра кўпроқ меникда яшарди. Бунга иккаламиз ҳам кўнчиб кетгандик. Қолaversa, буни бутун маҳалла-қўй яхши биларди. Оғини, у уша қуни меникда ётиб қолди ва мен эрталаб ишга кетдим. Уйда эса Иброҳим қолди. Шифондердан пул олаётганимни кўрган эди...

Ҳа, Наталани ишга жўнатган «эр» шафқ қўлини бузиб, бўр пуллари олади ва кўчада бўл келган кирakash машинага ўтириб, Жиззах шаҳри томон йўлга олади. Ундан сўнг Тошкентга «сафар» қилади. Қўйинги, бор-будини 6 кунлик машаққатларга сарфлаб, уйга қайтган И.Қўличевни милиция ходимлари кўтиб олишади...

Эътибор қилинг, муқаддам икки бор судланган, хавфли рецидивист макромга эга И.Қўличев 2003 йилдан буён Н.Гладких билан никоҳдан бўлиб қўйилган бундай қамчиларни ушбу жиноятларнинг содир этилишига қулай имконият яратиб берган.

Ушбуларнинг, бозубегамлик, эл-юрт хизматига нисбатан соғуққонлик билан қарашнинг ўзи ҳам катта жиноят — иллат. Ана шу иллатнинг домига тушиб қолмаслик учун доимий ҳаракатда бўлиш, давр билан ҳамнафас яшамоқ лозим. Буни унуттишга ҳеч биримизнинг ҳақимиз йўқ!

Ботир АБДУРАҲИМОНОВ, Оқ-отин туман прокурори, Абдуғаффор ОМОНОВ, «Инсон ва қонун» мухбири

Yorug` xiyobon

Оила — ҳимоя маскани

Мамлакатимиз ўз тараққиёт йўлини белгилаётган, энг аввало кучли ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти, бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимни шакллантиришга, маънавий соҳада эса миллий ғоя ва мафзуранини жамият негизи бўлиши — оилада йўлга қўйишни бош мақсад қилиб белгиланган. Масаланинг муҳим томони шундаки, ушбу ислохотлар негизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати, оила ривож ва бошқа ҳуқуқлари ҳимояси ўз аксини топган.



Оила кодекси ва бошқа қонун-усту ҳужжатлари ҳам бундан мустасно эмас. Оила кодексининг 1-моддасида белгиланганидек, оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари оилани мустақамлашдан, оилани муносабатларини ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжўхатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳисси

асосида қуриш, бирон-бир шахсонини оила масалаларига ўзбошимчилик билан аралаштиришга йўл қўймаслик, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўқинликсиз амалга ошириши ҳамда уларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир.

Халқимиз азалдан оилага муқаддас даргоҳ сифатида қараган. Негаки, давлат ривож, юксалишида оилаларнинг роли беқиев. Соғлом оилада соғлом муҳит шаклланади. У ерда тарбия олаётган авлод қамолоти шубҳага ўрин қолдирмайди. Президентимиз томонидан яқинда эълон қилинган «Еш оилалари муҳим ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча

Мамлакатимиз ўз тараққиёт йўлини белгилаётган, энг аввало кучли ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти, бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимни шакллантиришга, маънавий соҳада эса миллий ғоя ва мафзуранини жамият негизи бўлиши — оилада йўлга қўйишни бош мақсад қилиб белгиланган. Масаланинг муҳим томони шундаки, ушбу ислохотлар негизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати, оила ривож ва бошқа ҳуқуқлари ҳимояси ўз аксини топган.



Бугун тadbirkorлик фаолиятини ҳеч иккиланмай иқтисодий тараққиётнинг асосий омилларидан бири, дейиш мумкин. Кундалик турмушда ҳар биримиз бунинг шохиди бўлиб турибмиз. Ҳукуратимиз томонидан тadbirkorлик фаолиятининг мустақкам ҳуқуқий асоси яратилгани ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.


### Tadbirkorga to'siq bo'lmang

# Қимматга тушган масъулиятсизлик

Аммо таассуфлар бўлсинки, жойларда тadbirkorларнинг эркин фаолият юришларига тўсқинлик қилиш ҳоллари ханузгача учраб турибди. Олий Мажлис Сенати томонидан «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241-1-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида»ги Қонун тасдиқланиб, унга кўра тadbirkorлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, тadbirkorлик фаолияти субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклаш ёки унинг фаолиятига гайриқонуний аралашганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилангани аниқ муддао бўлган.

Шунингдек, «Саломат» хусусий савдо корхонасининг аризаси ҳам кириб қилинган ҳолда лицензия битими тасдиқлаб олинди, ҳужжатлар тайёрланган ҳамда УС 000078-сонли лицензия тайёрлаб қўйилган. «Мирзажон Жумаев» кўп тармоқли хусусий фирмаси раҳбарининг шу йил 5 январь кунини ҳокимликка ун фонди ажратилишида ёрдам сўраб ёзган аризаси эса кўриб чиқиш учун ҳоким ўринбосари Ш.Игиталиевага, ундан департамент бошлиғи Рустам Содиқовга чиқарилган. Лекин мазкур аризадан 4 ой мобайнида ҳал қилинмай, Р.Содиқовнинг столи устида чанг босиб ётаверган. Ваҳоланки, «Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг ариза, шикоят ва тақлифлари бир ойгача бўлган муддатда кўрилиб, ҳал қилиниши ва муаллифларга ёзма жавоб берилиши шарт. Бу билан Р.Содиқов Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 43-моддаси ва биз юқоридики тилга олган 241-1-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган. Шу боис ҳуқуқбузар суд ҳукмига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг 7 баробари миқдорда маъмурий жаримага тортилди.

Еки Езёвон туман электр тармоқлари корхонаси бош муҳандиси Қодиржон Муродов ва ишлаб чиқариш муҳандиси Иброҳимжон Турдиевлар ҳам тadbirkorларнинг ортиқча сансалорлигига йўл қўйишди. Яъни ҳаммаси «Нигора Низомова» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбарининг ва фуқаро А.Шербутаевларнинг аҳолига маиший хизмат кўрсатиши ва савдо дўкони қуриш учун, фуқаро Раҳимберди Холиқовнинг савдо дўкони қуриш учун, А.Охуновнинг иссиқхона қуриш учун, фуқаро А.Аҳмедовнинг аҳолига тикучилик хизмати кўрсатиши ва савдо дўкони қуриш учун техник шарт беришни сўраб ёзган аризаларига бир hafta, ўн, ҳатто йигирма кун ўтказиб тавсиянома беришган. Аслида тегишли ҳуқумат қарорига кўра техник шарт бериш муддати 3 кундан ошмаслиги лозим. Фуқаро Р.Мехмонназаровнинг савдо дўкони қуриш учун техник шарт беришни сўраб ёзган муносабатига асосан тайёрлаб қўйилган тавсиянома эса «зағиса келмаган» деган ваъдани юборилмай қолди кетган. Ана шуларни инобатга олиб, ёзёвонлик нурчиларнинг жавобгарлик масаласи ҳам



қоннинг савдо дўкони қуриш учун, А.Охуновнинг иссиқхона қуриш учун, фуқаро А.Аҳмедовнинг аҳолига тикучилик хизмати кўрсатиши ва савдо дўкони қуриш учун техник шарт беришни сўраб ёзган муносабатига бир hafta, ўн, ҳатто йигирма кун ўтказиб тавсиянома беришган. Аслида тегишли ҳуқумат қарорига кўра техник шарт бериш муддати 3 кундан ошмаслиги лозим. Фуқаро Р.Мехмонназаровнинг савдо дўкони қуриш учун техник шарт беришни сўраб ёзган муносабатига асосан тайёрлаб қўйилган тавсиянома эса «зағиса келмаган» деган ваъдани юборилмай қолди кетган. Ана шуларни инобатга олиб, ёзёвонлик нурчиларнинг жавобгарлик масаласи ҳам

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 241-1-моддасига биноан ҳал этилди. Бундай ҳуқуқбузарликлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Аммо гап бунда эмас. Энг муҳими, тadbirkorлар ва тadbirkorлик субъектлари билан ишловчи идоралар вакиллари юқоридики ҳолатлардан уларига тегишли хулоса чиқариб олиши бўлгани. Улар тadbirkorлик фаолиятининг ҳимояси, бу фаолиятни ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш давлат сийсати даражасига кўтарилганини унутмасликлари лозим. **Улуғбек АБДУРАҲМОНОВ, Фарғона вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи**

## Istehzo Raис «тайинланди»

Мамлакатимизда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг бу йилги байрами ҳам катта кўтаринкилик билан нишонланди. Жойларда байрам тантаналари ўтказилди.

Хоразм вилояти журналистларига аталган байрам тантаналари Урганчидаги муҳташам «Уроз-полос» меҳмонхонасида уюштирилди. Қаламқашлар учун фойзлик байрам дастурхони ёзилди. Табрик ва кутловларнинг чеки бўлмади. Байрам базми авжга чиққан маҳал гарчи сўз берилмаса-да, микрофон шу ерда ҳозир бўлган ўзга бир идоранинг нуфузли хизматчисига тегишди. Қошонага йилгилан қаламқашлар даставвалга ўзига-ўзи сўз берган кўйи микрофони олиб кетган ўша киши шаънинизга табрик сўзи айтиш керак, деган ҳаёлга боришди. Бирок бевосита матбуот соҳасида ишлаб, шу тобгача унинг ноини татимайдиган ўша элтиб берилган лўндадан олди. Фурсатни бой бермай мақсадга кўчи: анжуман ахли эйтиборини вилоят журналистлар уюшмаси раҳбарисиз қилиб кетайтиганига қаратди.



ди ўзи? Бизга қолса, саволнинг жавоби мушкулмас. Мамлакат «Фуқаролик кодекси», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва «Республика журналистлар уюшмаси Низоми»га кўз қирини ташлашнинг ўзи кифоя. Жавобни лўндалигича олаверасиз. Эслатиш жоиз: журналистларнинг ижодий уюшмаси — нодавлат ташкилот. Шу ваддан ҳам давлат ва бошқарув идоралари унинг ички фаолиятига бевосита аралаша олмайдилар. Бу — қимнингдир ўша «нотик-хомий»га афтидан шуниси маъқул. Шу боиски, темирни яна қизғинда босди. Узи томонидан кўрсатилган номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништириб, у ҳақда ақалли икки оғизгина бўлсин-да, сўз айтишни, табиийки, ўзига ҳам, узағаларга ҳам раво кўрмади. Мана, матбуотчиларнинг касб байрами тантаналари ҳам ортада қолди. Барча қаламқашлар ўз ишларига шўнғинди. Вақт — бебаҳо даъво-да. Ушанда додираб ва эсанкираб қолган аксарият ижодкорлар энди эс-ҳушларини йиққанга, раис сайлови билан боғлиқ ўша қарорлик воқеани ўзларича мулоҳаза ва муҳокама этишга киришдилар. Хўш, байрам қўшиғи авж паллада янграй бошлаган маҳал ҳолатга қойилмақом тарзда уюштирилган ўша «томоша»нинг қонунийлиги борми-

«Назар ака эрталаб туман марказига тушди. Қарз гапни айтиб қўйиш учун «Жума-Самарқанд» йўналиши бўйича қатновчи машиналар турадиган жойга бурилди. Файратнинг «Дамас»ни тавриди, кўринмади. «Йўлга чиқиб кетган экан-да», кўнгулдан ўтказди. «Шофёрлардан сўраб кўрай, эрталоқ кетган бўлса балки келиб қолар», деган ниятда турунлашиб турган ҳайдовчиларга яқинлашди.

### Qonunlarga chetga chiqmang

# «Жарима тўладим»



Шофёрлардан бири икки кундан бери Файрат кўринмаётганини айтиди. Бошқа бири эса «Судга қақурув қозони келган, ўша ёқча бораман», деганини эшитган экан. Одамнинг кўнгли душман-да. Миянга даб-дурустан яхши ҳаёлдан аввал ёмон ҳаёл оралайди. Назар ақанинг кўнглини хавотир қоллади. Йўлда бирон-бир кўнгулсиз ҳодиса рўй бермадимкин, ишқилиб? Қариндош қондош-да, ичи ачийди. Назар ака шаҳардаги ишларини тезроқ битказиб, Бахшобой қишлоғи томон йўл олди. Файрат уйда экан. — Энди ака, айб ўзимда, бекунтмизда-бекунт, — деди пешонасидаги терни артиб Файрат. — Бизнинг ишимизда ҳам янги тартиб-қоидалар жорий қилинган. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш учун лицензия олишим керак эди. Эрта-индин, деб вақтида олмади. Туман давлат солиқ инспекцияси ва йўл-патруль хизмати ходимлари текшириш ўтказишганда айбини очилиб қолди. Суд энг кам ойлик иш ҳақининг қирқ баравари миқдорда — тўрт юз тўқсон минг саккиз юз сўм жарима солди. — Бўғей нима бўлади? — тоқатсизланиб сўради Назар ака. — Кеча жаримани тўладим, — жавоб қилди Файрат. — Бугун ҳужжатларим тайёр бўлди, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш учун лицензия оламан. Ундан кейин ҳеч ким тadbirkorлик қилишимга, қўшимча даромад топишимга ҳалал бермайди. — «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги

кодекснинг 176-3-моддасида, — дейди жиноят ишлари бўйича Пастдаргом туман суди раиси М.Тўхтаев, — автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шугулланиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан энг бараваригача, мансабдор шахсларга эса эллик бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши кўрсатилган. Файрат Тўрақулов ўшбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганида айбли деб топилди. Суд ҳуқуқбузарни жарима жазоси билан «сийлади». Мамлакатимизда тadbirkorлик фаолиятига кенг йўл очилиб, қонун билан муҳофаза қилинган. Аммо тadbirkorлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштирмасдан, автомобиль транспорти воситасида йўловчи ташиш фаолияти билан лицензиясиз шугулланиш суд тартибида жазолашга сабаб бўлади. Илҳомжон ҳахрамони Ф.Тўрақулов сингари Илҳомжон Уринов, Аслиддин Мамаатқуловлар белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилмаганликлари учун ҳам энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма-ўттиз баравари миқдорда суд қарори билан жарималар тортилгани уларга сабоқ бўлган бўлса ажабмас. Қонундан четта чиқмаслик керак. Қонунга таъниб тadbirkorликнинг бошини тутганлар эса асло панд емайди. **Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, «Инсон ва қонун» мухбири**

### Tender

# Қинғир ишнинг қийиғи чиқди

Ҳукуратимизнинг даст рентабелли зарар кўриб ишлаётган ширкат ҳўжалиқларини фермер ҳўжалиқларига айлантириш тўғрисидаги қарорнинг ижросини таъминлаш борасида бир қатор муҳим ишлар амалга оширилди. Масалан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ўшбу қарорга кўра вилоятдаги 33 та ширкат ҳўжалиқлари тугатилиб, уларнинг балансида бўлган 226172,9 гектар ер майдонлари 3484 та лойиҳаларга бўлиниб, қайта ташкил этиш комиссиялари томонидан танловга ҳамда боғ ва тоқзорлар «Қимшди» савдосига қўйилди.



Хали сарой қуриб, шаҳар бузма, деганларидек, айрим фуқаролар тендерга қўйилган ер майдонларини ҳар қандай йўллар билан эғаллаш, сохта ҳужжатлар тақдим этиш, хуллас, қонуний талабни четлаб тендерда ғолиблигини қўлга киритишни уларга афзал билишиб, сўнг пушаймон бўлиб қолиш ҳолатлари ҳам учради. Сароисий туманидаги «Бобур» номли ширкат ҳўжалиғида 1-27 лойиҳага ўтказилган танловда фуқаролар Ю.Сафаров ва Р.Бобомуродовлар ишти-

комиссиясига тақдимнома киритилиб, ўшбу тақдимнома комиссия томонидан қайта кўриб чиқилди ва унинг натижаларига кўра Р.Бобомуродов 1-27 лойиҳа бўйича тендер ғолиби бўлди. Кумкўрган туманидаги «Бешқаҳрамон» номли ширкат ҳўжалиғида 1-59 лойиҳага ўтказилган тендер танловда фуқаро Н.Ражабов техника восита-

рига кўра ижро қилинганлиги сабабли, 1-59 лойиҳа бўйича танлов натижаларини ҳақиқий эмас деб топиш, Н.Ражабовни танловдан четлаштириш, ўшбу лойиҳада иштирок этган талабгор С.Умидуллаевни танлов ғолиби деб топиш мажбуриятини юклаш ва С.Умидуллаев комиссия раиси Б.Янгибоев, комиссия котиби Н.Алмардоновлардан солидар тартибда катта миқдордаги маънавий зарарни ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Кумкўрган туманлараро судига даъво ариза киритилди. Шу йилнинг ўзида жиноий тақлифларни қўриш натижаларига асосан 6 нафар шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўра жиноят ишлари қўзғатилиб тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Кумкўрган туманидаги «Бешқаҳрамон» ширкат ҳўжалиғида 1-57 лойиҳадаги танловда иштирок этган талабгор У.Худойкулов тендер комиссиясига қалбаки меҳнат дафтарчасини тақдим этганлиги аниқланди. Ўшбу қинғирлик юзасидан вилоят прокуратурасига киритилган тақлифга асосан фуқаро У.Худойкуловга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Сохталик бир кун қувонтиради, минг кун манқайтиради. Тендер танловига тўғри йўл туриб, эгри йўлни афзал билган кимсалар қишлоқдошлари орасида қизариб, ер чизиб қолишди. **Отабек НОРБОВЕВ, Омон АРАБОВ, Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси ходимлари Собир ЁДИКОВ, «Инсон ва қонун» мухбири**

### Tubanlik

# «Ғунча»ни сўлдирган қотил

Қўрғонтепа шаҳрида яшовчи Мурод Мамадиев (исмлар ўзгаририлган) 2004 йил жиноят ишлари бўйича Асака шаҳар суди томонидан озоликлан маҳрум этилган ва жазони ўтаб қайтган. У бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олиш ўрнига бирон тайинли касб-кор билан ҳам шугулланмади. Мурод осон пул топиш мақсадида Қўрғонтепа туман Чимён қишлоғида яшовчи Матлубахон Мамадалиевнинг сиррасини алдаш йўли билан олиб, Андижон шаҳридаги «Жаҳон» бозоринда нотаниш кимсага 90000 сўмга пуллади. Қўлга киритилган мушай пул қанчалик тез келган бўлса, шунча тез сарф бўлади. Тилла буюқдан айрилган Матлуба сирганинг пулини беришни талаб қилади. Бирок М.Мамадиев тилла зиракни қайтаришни ҳаёлига ҳам келтирмай, жуфтанин ростилаб қолди. Шундан сўнг у жиноий хатти-ҳаракатларини давом эттириб, Қўрғонтепадаги бадавлат хонадонлардан бирига ўғрилишқа тушади. У «Фаолиятини» бошлаган маҳал ўз эгасининг 9 йили қизи Гулнорни келиб қолди. Шубҳали кимсани кўрган қизалоқ қаттиқ қўрқувга тушиб: — Сиз кимсиз? — дея сўрайди. — Қўрқма, қизалоқ. Мени дадан

юрорди. Қизча бирдан додлаб юборади. Мурод додираб қолганидан қизчани тинчлантирмоқчи бўлади. Бирок буни уздай олмагач, қизчани тўшаққа ётқизиб, юзига ёстик босади. Қизча жон талвасасида тилпирчилай-типирчилай, ниҳоят тиниб қолди. Мурод ёстикни олиб қараса, қизча кўзлари очик ҳолда жимиб қолган эди. У вақтни бой бермаслик учун қизчанинг қулғидаги зиракни ечиб олиб, устига қўрпани ёпиб қўяди. Бу ҳам етмагандек, ўшбу хонадондаги тўрт дона «Hisense» русумли совутичини ўмариб, воқеа жойидан яширинишга «муваффақ» бўлди. У ўғрилиқ молларини йўловчи машинада Андижон шаҳридаги Эски бозорга олиб боради. Енида пули йўқлиги учун ўша ердаги заргарлик дўконида қуриб, ўмарилган сиргарини гаровга қўяди. Заргардан 7000 сўм пул олиб, ҳайдовчинини жўна-

тиб юборади. Заргарлик дўконида турган бир кишига совутичини 185 минг сўмга сотиб юборади. Аллақачон қўли қонга ботган Мурод ҳар ҳолда бир-икки кун қилмишини яшириб юришга эришади. Бирок ойна этак билан ёпиб бўлмагани каби М.Мамадиевнинг қилмиши ҳам тез-да фаш бўлди. Ҳа, Мурод Мамадиев осон пул топишни оруз қилганди. Бу оруз йўлида у қуссиз, ожиз ахволдаги бир


### Umr zavoli

# Пайпоқ ичидаги «заҳар»

Кизалоқнинг умрига зомин бўлди. Унинг бундай қўйга тушишига ким айбдор? Аввало, оилавий муҳит. Отана ажрашиб кетади. Уч ўғилнинг тарбияси онанинг елкасига тушади. Ўғиллар тарбиясида отанинг зарурати улар катта бўлгани сари билина бошлайди. Кенжаси Мурод эса эрка бўлиб ўсади. Коллежда ўқиб юрган чоғи ўғрилиқ қилади. Айбланувчининг онаси К.Мамадиева суд мажлисида шундай деди: — Углим амнистия тўғрисида жазодан муддатидан аввал озод қилинган эди. Унга бир неча марта ишга кир дегандим, ҳеч қандай ҳужжати йўқлиги учун кирмади. Туман ИИБга паспорт олиш учун ҳужжат топширган эдик. Лекин уни олишга улгурмади. Кейинчалик, кўнчилиқнинг қўл телефонини сотиб олмаган, дея олиб, бермай қўйганини билдим. Ҳеч қимнинг гапига кирмайди, ёмон йўлларга кириб кетди. — Кези келганда шунча ҳам айтиш керакки, туман ИИБ, меҳнат ва бандлик бўлими, ёшлар ташкилотлари ва жойлардаги бошқарув идоралари Муродни ўз вақтида ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этмаганлар. Оқибатда юқоридики каби қотиллик содир этилди. Шунинг учун ҳамма ўзининг зиммасидаги масъулиятни тўғри ағнаб, уни виждонан бажариши лозим. **Уртамжон ЖАЛИЛОВ, Қўрғонтепа тумани прокуратурасининг катта терговчиси Шўхрат МУСАЕВ, «Инсон ва қонун» мухбири**

Инсониятни жаҳаннам сари бошловчи заҳри қотилиш экни, парварилан бунинг ортдан кун кечурувчи ёки мий даромад орттирувчи кимсалар ҳақида эшитганимда эса улардан қанчалар нафратланасан киши. Ғиёҳвандлик, наркотикидан қанчалик қурашмасини, нафс бағишлари уни ҳамон давом эттиришаёти.

Когон шаҳар сувида қўриб чиқилган бир жиноий иш тафсилоти фикримизнинг ёрқин далилидир. Сулланувчи Исмаил Раҳимов 60 ёшда. Ҳаётининг паст-баландини англайдиган, оқ-қорани ажратиб оладиган, кўнчилиқка панду насихатни ўрнига қўйиб биладиган ёшдаги бу кимсаннинг ҳамон жиноят қучасида тентираётгани ачинарли ҳол. Ҳамон дейишимизнинг боиси бор. И.Раҳимов бундан аввал ҳам ғиёҳванд бўлган савдоси билан шугулланиб, судланган. Бирок у бундан тўғри хулоса чиқариш ўрнига яна ғиёҳвандлик моддалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат ҳафли жиноятни со-



солиб, Бухоро шаҳар Алломиш кўчасидаги ташландик бино фундаменти оралиғига яшириб қўлди. Қолган 2,8 граммга тенг бўлган «марихуана» ғиёҳвандлик воситасини эса пайпоғи ичига бекитди. Сўнгра И.Раҳимов 13 январь кун Бухоро-1 темир йўл вокзали томон йўлдоли. Айни пайтда Бухоро ГИИБ ЖК УЖКБ ходимлари тезкор тadbirkor ўтказаятган чоғида, Исмаил Раҳимовни жиноят содир этганлигида гумон қилиб, текшириш қилиди. Тумонланувчини синнқошлик билан текшираётган тезкор ходимлар олдига И.Раҳимовнинг сирри фаш бўлади. Пайпоқ ичидаги ноёб «мол»ни кўрган тезкор ходимлар жиноятчинини қўлга олишади. Хўш ўқилди. Сулланувчи Исмаил Раҳимов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан 3 йил 7 ой муддатга озоликлан маҳрум қилинди. Унга тегишли барча ғиёҳвандлик моддалари йўқотилди. **Алишер ОЛИМОВ, Бухоро транспорт прокуратури ёрдамчиси Лолашон МАНСУРОВА, журналист**

Fermer savol beradi

ҲАР СЎРОВНИНГ ЖАВОБИ БОР

Талабгор битта бўлса-чи?

— Туман ҳокимлиги захира ер фонди ҳисобидagi ер майдонлари талловга қўйилганда мазкур ер майдонига фақат битта талабгор чиққан тақдирда ер майдонининг тақдири қандай ҳал этилади?

Ф.ТҲҲАМИШЕВ,

“Тўхтамиш Р” фермер ҳўжалиги бошлиғи, Ғаллаорол тумани.

— Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 19 ноябрда 1523-сон билан давлат рўйхатидан ўқазилган Фермер ҳўжалиги юртимизда ушбу ер участкаларини беришда талабгор бўлибни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низоининг 36-бандида агар битта талабгор фақат битта талабгордан ариза келиб...

тушган бўлса, у ҳолда таллов муддати тугагандан сўнг ушбу лойиҳага белгиланган тартибда қайта таллов ўтказилади. Қайта талловда ҳам ушбу лойиҳага бошқа талабгорлардан ариза келиб тушмаса, комиссиянинг бир овоздан қабул қилган қарори билан талабгорга ушбу лойиҳадаги ер участ-

Қайси мuddатда тўланади?

— Фермер ҳўжаликлари томонидан ягона ер солиғи қайси мuddатларда тўланади?

А.ЭРҒАШЕВ,

“Элдор-1” фермер ҳўжалиги бошлиғи, Зарбдор тумани.

— Қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини тўлаш билан боғлиқ масалалар Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 22 январда 1102-сон билан давлат рўйхатидан ўқазилган қишлоқ...

йилига уч марта қўйидаги тартибда тўланади: - ҳисобот йилининг 1 июлигача - йиллик солиқ суммасининг камиди 20 фоизини; - ҳисобот йилининг 1 сентябригача - йиллик солиқ суммасининг камиди 30 фоизини; - ҳисобот йилининг 1 декабригача - солиқ суммасининг қолган қисмини тўлаши шарт.

Саволларга Адлия вазирлиги Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармаси катта маслаҳатчиси Суннатилло АБДУРАСУЛОВ жавоб бериб.

ЭЪЛОН!

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги Беруний туман давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

- Танловда иштирок этиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим: 1. Комиссия номига ариза; 2. Паспорт нусخаси; 3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақ; 4. Меҳнат дафтаридаги нотариал тасдиқланган нусхаси; 5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ариза; 6. Остига иш жойидан берилган меҳнат фаолият тўғрисидаги тасдиқнома; 7. Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат этишлари лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги телефонлари: 8(361) 223-15-82, 223-81-27.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатура бўйича Малака комиссиясининг 2007 йил 18 июль кунги қарорига асосан, Самарқанд вилоят Каттақўрғон шаҳридаги «Меъёр» адвокатлик фирмасининг адвокати Эшонқул Худойберди Худойқудович номига Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан 2001 йил 29 ноябрда берилган GZ 000100 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиш мuddати 6 ойга тўхтатылганлиги маълум қилинади.

Хоразм вилоят адлия бошқармаси қоншидаги адвокатлар малака комиссиясининг 2007 йил 28 июлдаги қарорига асосан, Хоразм вилоят адлия бошқармаси томонидан Абдурахманова Ёшубековна Шокировага 2002 йил 3 июлда берилган HZ-000105 рақамли; Матякубов Давлат Рўзमतовичга 2006 йил 2 февралда берилган HZ-000179 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиш мuddати 6 ойга тўхтатылганлиги маълум қилинади.

ЭЪЛОН!

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли 2-Тошкент юридик коллежи ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бўш лавозими учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касб таълим) ёхуд таълим муассасасининг йўналиши бўйича магистрлар ва дипломли мутахассислар иштирок этиши мумкин. Номзодларнинг аризалари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли 2-Тошкент юридик коллежисига тақдим этилади.

- Аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади: 1. Сўронома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол; 2. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси; 3. Илмий даража ва илмий унвонлар ҳақидаги ҳужжатнинг нусхалари (маъжуд бўлса); 4. Илмий-услубий ишлар ва иштироклар рўйхати (маъжуд бўлса); 5. 4х6 ўлчамдаги 4 dona фотосурат; 6. Директор ўринбосари лавозимига номзоднинг бўлажак фаолияти бўйича иштироий шаклда ёзилган режаси (концепция).

Манзилми: Тошкент шаҳри, Чилонзор 8, Луфтий кўчаси 47 уй, 2-Тошкент юридик коллежи биноси; тел: 173-85-92, 278-78-82

Самарқанд вилояти, Пайарик туманидаги «Самарқанд» фермер ҳўжаликлари уюшмасига қарашли Мойлитена қишлоғида истискомат қилувчи С.Ишқобилова аича йиллардан бери тадбиркорлик билан шуғулланиши дилга тугиб кўйганда. Нияти холис экан, туман ҳокимининг қарорига кўра Пайарик шаҳар И.Раҳмонов кўчасида мўъжазгина савдо дўхони очиб иш юрйти бошлади. У дастлаб давлатимиз яратиб берган имкониятлардан оқилона фойдаланди, бироқ кейинчалик қонундан кўра нафсага кўпроқ бўйсунган олат чиқарди.


Afsus

Ё остидан, ё устидан


Гап шундаки, Пайарик туман солиқ идораси ходимлари Вазирилар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига товар олиб келишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ҳамда Адлия вазирлигининг «Айрим турдаги акция марказли товарларнинг ишлаб чиқариш ва сотиш тартиби тўғрисида»ги 1390-сонли Низоининг ижроси юзасидан режалар текшириш ўтказиш чоғида С.Ишқобилованинг қонунга ҳилоф равишда савдо қилаётганлиги аниқланди. Ажабланишли томони шундаки, акция ёрлиғи бўлмаган тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларни бемалол кўз-кўзлаб сотатган бу «тадбиркор»нинг, мазкур савдо турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаси ҳам йўқ экан. Текшириш давомида у савдо қилаётган дўхон амборидан турли хил ёрлиқдаги жами 69.000 сўмлик 39 шиша спиртли ичимлик ва 7 турдаги 42 кутга 23.750 сўмлик тамаки маҳсулотлари топилди, далилий ашё сифатида олинди. Барака — ҳалолликда, дейишди. Қонунлар асосида фаолият юритиш ҳам ҳалоллик меъзолидадан беришди. Бироқ, бу ҳақиқатнинг моҳиятига етмаган яна бир тоифа кимсалар даромад топишнинг синлиқ йўли дея олибсотарлиқ йўлини танлашди. Шу ўринда қўйидаги мисол-

Чакмоқтош

Уддабурон чўпон Қариянинг тадбири Антиқа йўл



Бир малика шундай шарт қўйди: «Ким 40 та қўйни 40 қўп бугдой бериб 40 кун бокса, қўйларнинг вазни ўзгармай қолса, мен шу одамга турмушга чиқаман!» Ҳеч ким бу шартни уддалай олмабди. Фақат бир чўпон бу ишни амалга оширибди: У бу ишни қандай уддалаган?



Бир йигитнинг кўнглига ўғрилиқ хаваси тушибди ва бу кекса бир ўғрининг олдида бориб шогирд тушмоқчи бўлибди. Кекса ўғри: «Бир-икки кун ёнимда юр, майли кейин кўрамиз», — дебди. Шу орада кекса ўғри шундай бир тадбир ишлатибдики, у ҳалиги йигит ўғрилиқдан воз кечиб, ота-онаси олдида қайтибди. Қария қандай тадбир ишлатган? Йигитни тўғри йўлга қайтарган?



Италиядаги Влареджо шаҳрининг пойабзалчилари ойлик иш ҳақларини кўтариш учун иш ташлаш ўрнига антиқа йўл тутишди. Натижада улар иш юритувчиларни ўзларига қаратишди. Эр бунга қандай қилиб эришдилар?

«Чакмоқтош»да берилаётган ўн та саволга тўғри жавоб топиб, бизга мактуб йўллаган муҳлис таҳририятнинг қимматлиқ совғаси билан тақдирланади.

БИР ҲОВУЧ ДУР



Феълига яраша

Солиқ бир зот гўзал қишлоқ кўчасида кетаётган танасини кўмга тикиб ётган, ночор аҳволдаги одамни учратиб қолибди. Солиқ киши у одамдан, «Нега бундай ётсан?» — дея сўрабди. Шунда ночор одам: «Кўриб турисан: кийгани кийимим, егани овқатим йўқ, зўрға кун кўраман», — дея нолибди. Шунда солиқ зот яратганга дуо қилиб: «Шу банданга ҳам бойлик бер», дея илтижо қилибди. Бир неча йилдан сўнг солиқ киши

ўша гўзал қишлоқдан яна ўтаётган қараса ҳаммаёқ харобага айланган, дараклар қуриб қолган эмиш. Хайрон бўлиб одамлардан бунинг сабабини сўрабди. Улар эса бир неча йил олдин қишлоғимизда танасини кўмга тикиб ётган ночор одам бор эди. Уша бирданга бойиб кетиб ҳамма қудуқларни сотиб олди ва одамларга сув бермай қўйди, ҳаммага зулим қилмоқда, дейишди. Шунда ҳалиги солиқ киши: «Эй Яратган Эгам, сен ўзинг кимга нима беришни яхши билар экансан. Мен билмай ишингга аралашибман», деган экан. Хулоса шунки, бу дунёда одамлар ё бойлик, ё ночорлик, ё касалиқ билан синалади. Барчасининг ҳикмати бор...



Бой кўп, хотамтой-чи?

Хотамтойнинг кўрғонидики қирқта дарча бор экан. Ҳар кун муҳтожлар шу дарчаларга келиб, Хотамтойдан садақа олиб, дуо қилишаркан. Бир кун Хотамтойнинг укаси она-сига нолибди: — Нима учун ҳамма фақат акамни мактайдим, мен ҳам сахийман-ку? Онаси ўғлининг бошини силлабди ва жавоб бермабди. Эртасига дарчалардан бирида тиланчи кампир кўринибди. Хотамтой уйда йўқ экан, укаси садақа берибди. Ҳали-

ги кампир иккинчи дарчадан келиб сўрабди. Ука яна садақа берибди. Учинчи дарчадан ҳам садақа узатибди. Туртинчи дарчага келганда, Хотамтойнинг укаси: «Сен қанақа тиланчисан ўзи, ҳозир уч марта олдинг-ку?», — дея ачиққанибди. Шунда кампир бошидаги ёлпичиқни олибди. У гадо эмас, Хотамтойнинг онаси экан. — Ана кўрдингми, ўғлим, — дебди она, — мен шу қирқта дарчадан садақа сўраганимда ҳам аканг лом-мим демай берган. Дарҳақиқат, дунёдан кўп бойлар ўтди, Хотамтой эса битта эди. Ҳозир ҳам бойлар кўп дунёда, Хотамтой эса...

Nadomat Синган «Хурмача»

... Ҳа шундан дастурхон роса «тўкин» бўлди.

Кўшнинг сўти-ю, одамнинг жонидан бўлак ҳамма ноз-неъмат бунда муҳайё эди. Айниқса, ароқ деганларни Аскарвой судайи оқизди-да, ўзим. Кўпдан буён «томоқ тақиллашдан безор бўлиб юрган» синфдошлар бир йиришди. Ўзим тугилган кунга, деб роса йиғинган экан-да... Борини тўкиб солди-я. Йигит дегани аслида худди шундай бўлиши керак! Насиб этса мен ҳам тугилган кунимни худди шундай, йўқ, бундан ўн баравар зўр қилиб ўтказаман. — Ароқ таъсиридан кўзлари юмилди кетаётган Фанишер машинада келаркан, фақат шулар ҳақида йиларди...

Аммо... аммо орадан ҳеч қачна вақт ўтмай, қотилга айланганини, бир оилани қон қақшатишини, болаларни отасидан, аёлни умр йўлдошидан жудо қилишини ҳаёлига ҳам келтирмаганда...

«1972 йилин 15 ноябрда Сирдарё вилояти Бобўв тумани Мўминобод қишлоғида туғилган фуқаро Шарипов Фанишер Болтаевич мастлик оқибатида қасддан одам ўлдириб жиноятини содир этган. Жумладан, у 2006 йилин 2 июнига ўтар кечаси тахминан соат 24 ларда ён қўшниси Амонтоев Раваҳнинг уйига кириб, унинг акаси Амонтоев Файзулла ва Ишқўзиев Улугбеклар билан спиртли ичимлик истеъмол қилишди. Мастлик оқибатида чиққан ўзаро жанжал Раваҳ Амонтоевнинг ўлими билан якун топади!» Бобўв туман прокуратурасининг 31/186-сонли жиноят иши бўйича айблов ҳулосасидан кўчирма.

Шу ўринда жаҳланувчи Файзулла Амонтоевнинг кўрсатмасидан қисқача иктибос келтиришни лозим тоғди. Зеро, бу жиноят тафсилотини ойдинлаштиришга ёрдам берибди. — 2006 йил 1 июнь кун тахминан соат 19:00 ларда укам Раваҳ Амонтоевнинг уйига бординг, у минерал ўғит олиб келишларини (ўғринг фермер ҳўжалиги бор, унга ёрдамлаш ҳам сотиб 21:00 ларда минерал ўғит олиб келишди. Кўплайиб туширдик, сўнгга Раваҳдан дастурхон ёзди, овқатландик. Бироз ароқ ичди. Шу пайтда қўшни бўлишим Фанишер маст ҳолатда кириб келди. Қўлидаги бир шиша ароқни ўртага қўйди. Туртоволан унинг ичди.

Вест-Индиядаги балиқчилар оиласида туғилган, маҳаллий қанд заводи ёнида жойлашган хароба хонадонлардан бирида бир аёл яшарди. Жаҳондаги энг машҳур инсонлардан бирига турмушга чиқишини уйлаб ҳам кўрмаган бу аёлнинг исми Мария Жозефина Роза Ташер ла Пажери эди. Бирок уни оддийгина қилиб, Жозефина деб аташарди.

Daholar dargohi НАПОЛЕОННИ МАҲВ ЭТГАН ГЎЗАЛ

Жозефина Наполеондан олти ёш катта бўлиб, улар танишган пайти аёл 33 да, Наполеон эса 27 ёшда эди. Аёлнинг тишлари хунқроқ, ўзи ҳам унчалик гўзал эмасди. Устига устак, икки нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказар экан, ҳаммаша муҳтожликда кун кечирарди. Ижара ҳақини тўламагани учун хоҳлаган вақтида судга бериши мумкин бўлган уй эгасига пулни учма-уч тўла бораарди. Алаҳқусус, у ҳаёт йўлини кийинчилик билан бошлаган.

Француз инқилобчилари биринчи эрини ўлдиршиганди, у маблағисиз ва ёрдамсиз қолди. Барча соғлом аёллар интилувчи нарсанинг ҳам эътиборидан четда қолмади. Жозефина ўзига эр танлай бошлади.

Дўстларидан бири унга Наполеон тўғрисида гапириб берди. У пайларда урушдан эндигина қайтган Наполеон ҳали машҳур эмас, ҳеч вақоси йўқ эди. Бунинг устига у касалиқдан қутулиш учун соҳини тақир олдириб юрарди. Бироқ дўстлари Наполеон ном қозонмоқчи илҳимда юрганлигини айтишганда, Жозефина фақат аёллик тўғриси орқалигина у билан танишмоқчи бўлди. Ҳўш, бунга қандай амалга оширди?

Жозефина ўз режасини амалга оширишнинг антиқа йўлини топти. У ўн икки яшар кичик ўғлини Наполеоннинг олдида юборди. Ўғли марҳум отасининг қиличини совға сифатида қабул қилишини сўраши керак эди. Аёнки, Наполеон бунга эътироз билдирмайди. Шу боис, Жозефина эртаси куну бурнига ула суртиб, кўзиди ёши билан марҳамат кўрсатгани учун миннатдорчилик билдиргани Наполеоннинг олдида отланди.

Наполеон Жозефинанинг шахсидан ҳам, унинг лафолатидан ҳам гоят таъсирланган. Ижтимоий ўрни жиҳатидан аёл юқори маъқеда турганлиги учун бир пиёла чойга тақлиф этилгани Наполеоннинг бошини кўкка етказди. Меҳмонни қабул қилар экан, Жозефина у албатта тарихдаги энг буюк генерал бўлишига ишонилигини айтди... Уч ойдан сўнг уларнинг бўлажак тўйлари ошкор қилинди.

Наполеонда ҳар бир нарсани ўз вақтида бажаришга ихлос кучли эди. «Вақт — ҳамма нарса!», дерди у. Бошқа ўринда эса: «Мен жангда бой беришим мумкин, лекин дақиқани йўқота олмайман», деган эди. Шунга қарамай, никохи белгиланган вақтига икки соат кечикиб келди. Никоҳини қайдан ўтказувчи судья кута-қута, Наполеон келгунча ухлаб қолди. Тўйдан сўнг ропла-росса қирқ саккиз соат ўтгач, Наполеон Италияга қарши жангга кирди. Унинг армияси очликдан, ёмон таъминотдан азоб чекарди. Шунга қарамай, қўт-қўтда ақс-садо берган галабага эришди. Европа тарихи бир неча асрдан бун бундай галабани билмай келаётган эди. Шуниси ажабланишлики, Наполеон жанг майдонидан ҳам Жозефинага ҳар кун хат ёзишга вақт топарди. Яна қанақа хатлар денг — эҳтиросли, ҳаяжонли, туйғулларга бой. 1933 йилда Наполеоннинг Жозефинага юборган саккизта хати Лондонда, оммавий қимчишти савдосида тўрт минг фунтга сотилди. Мана, ана шундай хатлардан бири:

«Азизам, Жозефина! Сена бўлган муҳаббатим ақлу ҳушимдан айирмоқда. Хатто овқат тўғрисида ҳам

ЭЪТИРОФ

Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетасига ҳозирги кунга қадар Қашқадарё вилояти бўйича 2007 йилиннинг иккинчи ярим йиллиги учун 500 дона обуна бўлинди. Қашқадарёлик газетхонларга ижодий жамоамиз номидан миннатдорчилик билдирамиз!

ИНСОН ва ҚОНУН МУАССАСИ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ 1996 йилнинг январидан нафр этилади. 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Аxbорот агентлигида 0081-рақом билан рўйхатга олинган. Бош муҳаррир: Кўчқор НОҚОБИЛ. ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Абдуллаев Иштиёр Бахтиёрвич, Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, Аҳмедов Абдуҳалим Абдурамонвич, Раҳмонов Абдуқамол Шодиевич, Маҳмудов Лазизон Мирзаевич, Солиқов Хуршид Махмасалдович, Ҳамроев Ислам Ҳамзаевич, Мустафоев Буритон Мустафоевич. Навбатчи: Урол ҒОЙИМОВ. Саҳифаловчи-дизайнер: Фарход ХУЖАНАЗАРОВ. Индекс: 646882. «ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичиқида, 2 босма табоқ ҳўрмида, офсет усулида «Шарқ» нашрийет-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-615, Тиражи — 8120. Босишга топшириш вақти — 21.00. Тошйирлиди — 23.10. Тижорат мақола. МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50. E-mail: inson\_va\_qonun@mail.ru. 2 3 4 5